

НАВРЎЗ БАЙРАМИНИНГ МУБОРАК БЎЛСИН!
Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

Ўзбекистон adabiyoti va san'ati

1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOIIY GAZETA

2022-yil 18-mart / № 10 (4669)

2022 йил — Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили

Пойтахтимиздан чамаси йигирма чақирим масофада, Бўзсувнинг хушманзара соҳилида Мирзо Улуғбек номи билан аталувчи олимлар шаҳарчаси бор. 1957 йилда ташкил топган бу шаҳарча тарихи ушбу ҳудудда жойлашган Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти билан боғлиқ. Ядро физикаси ярим асрдан зиёд вақт давомида, жумладан, бугун ҳам илм-фаннинг илғор ва мураккаб соҳаси саналади. Бу институтда турли даврларда академик Убай Орипов, Содиқ Азимов, Улуғ Ғуломов, Пўлат Ҳабибуллаев, Восил Қобулов, Мамажон Юнусов, Шавкат Воҳидов, Абдували Ғаниев ва бошқа кўплаб алломалар илмий фаолият юритишган.

ИЛМ САОДАТИ

Муस्ताқиллик йилларида институт фаолияти анча сустлашиб, ҳатто илм даргоҳини ёпиш, бу ерда ишлаб турган ноёб ядро реакторини Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ихтиёрига бериш ҳақида таклифлар ҳам бўлди. 2018 йилнинг 20 июнь куни Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи билан Ядро физикаси институти ва Улуғбек қўргони ҳаётида тарихий ўзгаришлар даври бошланди. Давлатимиз раҳбари бу манзилни олимлар шаҳарчасига айлантириш, илмий фаолият учун муносиб шароитлар яратиш тўғрисида қимматли фикрларини билдирди. Улуғбек шаҳарчасининг бош режасини ишлаб чиқиш, ўқув бинолари ва лабораторияларни жаҳон стандартлари асосида қуриш, энг замонавий технологиялар билан жиҳозлаш зарурлигини таъкидлади.

Шаҳарча "Обод маҳалла" дастурига киритилиб, қисқа вақт ичида улкан ишлар амалга оширилди. Бу ерда дастлабки қўша илм даргоҳи — Москва физика-математикаси институти (МИФИ) филиали бинолари қад ростлади. Маҳалла ҳудуди ободонлаштирилди.

Улуғбек маҳалла фуқаролар йиғинининг тиниб-тинчимас раиси Абдуқаҳҳор Қурбонов, — у ҳар бир аскарини исмини ёддан биладиган қўмондонга ўхшайди — маҳаллада олиб бориладиган ишлар ҳақида бир талай рақамлар келтириб, "яхшиси ўзингиз бир кўринг", деб таклиф қилади.

Шаҳарча унчалик катта эмас — умумий ҳудуди 407 гектар бўлиб, шундан 247 гектари Ядро физикаси институтига тегишли. Шу кичик ҳудудда сўнгги икки йилда қилинган ишларни кўздан кечиришга бир кун етмайди, десак муболаға бўлмас. Ма-

салан, маҳалладаги 20 та кўча ва йўлаклар асфальтлангани, гулзорлар барпо қилингани, аҳоли ҳордиқ олиши учун ўриндиқлар, ёритиш чироклари ўрнатилгани, бундан, аввало, инсонлар кўнгли қароғон бўлгани — бор гап. Икки мактаб, учта мактабгача таълим муассасаси, болалар мусика ва санъат мактаби фаолияти ҳам доимо маҳалла раиси ва фаоллар эътиборида. Кўп йиллар қаровсиз ётган бино тубдан таъмирланиб, ёш олимларга оилавий турар жой қилиб берилгани қанча инсонларни шод этди! Деярли қаровсиз аҳволга келиб қолган маданият саройи ҳам катта саъй-ҳаракатлар эвазига реконструкция қилиниб, "Ёшлар маркази"га айлантирилди. Жами 38 та кўп қаватли уй атрофидаги 15 та болалар майдончаси ва спорт майдонлари қувончини, яхшиси, болаларнинг ўзларидан сўраган маъқул.

— Иккита футбол жамоамиз бор, — бирида 18 ёшгача, иккинчисиди 30 ёшгача спортчиларимиз тўп суришади, — дейди Абдуқаҳҳор ака. — Волейбол бўйича қизларимиз яқинда туман прокурори кубогига 1-ўрини эгаллашди...

Маҳалла болалари тўғридан-тўғри Абдуқаҳҳор "дода"га телефон қилиб, фалон майдонда ўйнасак майлими, деб сўрайверилади.

— Маҳалладаги 11 та оддий ва 4 та универсал спорт майдонлари замонавий талаблар асосида тўла жиҳозланган, уларни асраб-авайлашни фарзандларга ўргатиб борамиз, — дейди Абдуқаҳҳор ака. — Ҳадемай сузиш ҳавзасини ҳам замонавий қилиб таъмирлашга киришамиз. — Президентимиз шаҳарчамизга ташрифи чоғида долзарб фикр-мулоҳазаларни билдирди.



ЎЗБЕКНИНГ УДУМЛАРИ

Мойчиروқ хира милтирайди. Уйнинг тўрида виқор билан ўтирган отам дастурхонга дуо ўқийди. Биз — қай биримиз жилмайиб, қай биримиз жиддий дуога қўшиламиз. Олдинда бизни кеча бошланган китобнинг давоми кутаётгани юрагимизга ҳаяжон солади. Опа-ларим шомша-пиша ўчоқбошини саранжомлаб келади ва ҳамма отамга илҳақ назарини ташлайди. Ниҳоят у:

— Қани, улим, бошла, — дейди Эркин акамга. Ана шу буйруқни кутиб турган акам тоқчадаги қалин муқовали китобни қўлига олади. Сўнг ичидан шавқни тошиб ўқий бошлайди.

**Янги ой ёр юзи бирла қўруб эл шоду хуррамлар,
Манга юзу қошингдин айру байрам ойда ғамлар.**

**Юзи наврўзю васли ийдини, Бобур, ғанимат тут—
Ки, мундин яхши бўлмас бўлса юз наврўзу байрамлар.**

ЗНАМ АЙТГАН АЙТИМЛАР

Ҳазал қатларидан жой олган майин, ўзбекона сўзлар таъсириданми, акам ғазални оҳанг билан ўқитганиданми ёки фарзандининг кўзларидаги ёлқин вужудига иссиқлик берганиданми, оппоқ юзлари қизаринкираган знам отамга сокингина назарини ташлайди. Сўнг:

— Отаси, буни ким ёзган? — дейди оҳиста. Эркин акам бир лаҳза мутолоадан тўхтади. Кўп нарсани билгучи отам кўзлари порлаганча:

— Заҳириддин Муҳаммад Бобур, — дейди ғурур билан. Знам бошини оҳиста тебратди. Биз унга термиллиб кўзлари андак намланганини сезамиз. Унга янаям яқинроқ суриламиз. Оппоққина, бўлиқ қўлларини маҳкам ушлаб оламиз. Эртаклар, мақолу ривоятлар, айтимларга уста знамнинг кўнгли ана шундай нафис эди.

Эртаси тонг саҳардан бир нимадан қуруқ қолгандек уйғониб оламиз.

— Бугун Наврўз, — деймиз бир-биримизга шодланганча боқиб.

Наврўзни бизнинг бадахшонликлар йилбоши, деб атайдилар. Йилбоши ҳали кўнгиригини чалмасдан қишлоқнинг паст-баланд кўчаларида, барча уйларида тозалаш, саришта-лаш ишлари бошланади. Эртаклар, оиланинг ўғиллари бу кундан олдинроқ ҳовлидаги хас-хазон қоплаган ерларни ағдарар, кеч қуздан қолган, чириган япроқлар йиғиштириллар, жуяқлар олинар, дарахтлар оқланар, хотин-халаж идиш-товоларни қумда ярақлатишар, қирлар ювилар, дазмол босилар, қизлар, аёллар қўлларига хина, қошларига ўсма қўйиб созланганди.

Озодбек НАЗАРБЕКОВ,

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири

МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ҲАМЖИҲАТЛИК АЙЁМИ

Юртимизда яшариш, баҳор, нафосат ва гўзаллик рамзи бўлмиш Наврўзи олам шукуҳи кезмокда. Бу байрам диёримизга гўзал фазилатлари, файзу баракаси билан ташриф буюрмокда. Баҳор деб аталмиш дилбар фаслда табиат ҳам, жамиятимиз ҳам кундан кунга ўзгариб, янгиланиб бормокда.



Ватанимиз бу йил ҳам Наврўз шодиёналарига тинчлик-хотиржамлик, барча соҳаларда салмоқли ютуқлар, юксак эзгу тилақлар билан қадам қўймоқда. Юртимиз тараққиётга муносиб ҳисса қўиши ниятида яшаётган халқимиз кўтлуге айёмга "Хуш келибсан, ҳур Ўзбекистонимизга Наврўзи олам, қадамнинг кўтлуге бўлсин! Илоҳим, юртимиздаги тинчлик-омонликка кўз тегмасин!" дея пешвоз чиқмокда.

Қувонарлиси шундаки, халқимизнинг энг қадрдон, азалий ва хосиятли Наврўз айёми сўнгги йилларда яна бир хайрли анъана — "Театр томошалари ҳафталиги" билан бойиди. Мазкур тадбир 21-27 март

кунлари республикамиз миқёсида бўлиб ўтади.

Маданият ва санъат соҳасининг жамиятимиздаги ўрни ва таъсири янада ошириш борасида Маданият вазирлиги томонидан кўпқилли ишлар амалга оширилмокда. Хусусан, театр соҳасидаги ўзгаришлар унинг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсири ошиб бораётганини тасдиқлаб турибди. Халқимиз, айниқса, ёшлар қалбида миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат туйғуларини шакллантириш, ёт ғояларга қарши иммунитетни янада кучайтиришда айнан театр санъатининг ролини оширишга қаратилган чора-тадбирлар қисқа муддатда

ўз самарасини кўрсатаётмокда. Бугун биз "Одамлар театрларга қайтди", "Томошабин саҳна асарларини қизиқиш билан томоша қилмокда", десак муболаға бўлмайди. Бойси, ҳафталikka астойдил тайёргарлик кўраётган санъаткорлар томошабинга маъқул бўладиган саҳна асарлари устида жиддий ишлашмокда. Мухлислар эътибори, меҳрига сазовор бўлиш ҳар бир санъаткорининг орзуси, эзгу мақсади... Ўз навбатида Маданият вазирлиги томонидан ҳафталикнинг сермазмун ўтиши учун маданий-маърифий тадбирлар, мамлакатимиздаги мавжуд 37 та театрда 808 та турли жанрдаги спектакллар намойиш этилди. Бу томошаларга 274 мингдан зиёд томошабин ташриф буюрди. Албатта, бундай саъй-ҳаракатларни моддий-маънавий қўллаб туриш зарур. Ўтган давр мобайнида республикамизнинг 27 та театрига давлат бюджети ҳисобидан тўрт миллиард олти юз миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Вазирлик томонидан ҳар йили ўтказиб келинаётган энг яхши саҳна асарлари танловида 23 та асар танлаб олинди. Замонавий пьесалар, мумтоз, жаҳон классик асарлари асосида театрларнинг узоқ муддатли репертуарларини шакллантириш, уларнинг маҳаллий ва хорижий давлатларга гастролларини амалга ошириш бўйича қилинган ишлар натижасида уч йилда 427 та янги спектакль саҳналаштирилди. Улар орасида энг саралари хориж саҳналарида намойиш этилиб, эътироф ва олқишларга сазовор бўлди. Жумладан, Ўзбек миллий академик драма театри Қозоғистонда, Қорақалпоқ давлат академик мусикали, Қашқадарё вилоят мусикали драма ва Хоразм вилоят мусикали драма театрлари Туркияда, шунингдек, бошқа қатор театрларимиз республика бўйлаб гастролларда ўз санъатларини моҳирона намойиш этишди. Бундан дорбозларимиз, шапито, кўча цирклари-миз артистлари ҳам хорижда санъатларини намойиш этиш билан бирга, малакаларини ошириб қайтишларига шароит яратилмокда.

ЯНГИ КИТОБЛАР ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан чоп этилган "Эътироф", "Абдулла Орипов замондошлари хотирасида" ва "Шоирнинг тўғилиши" номли китоблар тақдимоти ўтказилди.

— "Эътироф" китоби-га шеърят мухлислари, шоғирдлари, шоирнинг дўстлари томонидан устозга бағишлаб ёзилган шеърый эҳтиромлар жамланган, — дейди шоира Фароғат Худоқулова. — Ижодкорлар томонидан тақдим этилган беш юзга яқин шеърлардан юздан ортиғи саралаб олинди.

"Шоирнинг тўғилиши" номли китобга киритилган шеърлар шоирнинг "Эълон қилинмаган шеърлар" туркумидан. Китобга айрим шеърларнинг кўлөзма нусхалари ҳам жойлаштирилган. Шеърлар муаллифнинг асосан 1957–1965 йиллар орасидаги илк ижод намуналари бўлиб, уларни шоир асосан ўсмирлик, ёшлик чоғларида ёзган.

Тақдимотда сўзга чиққанлар "Абдулла Орипов замондошлари хотирасида" китоби ҳақида ҳам фикр билдиришди. Бу тўпламдан бадий очерклар, публицистик мақолалар, бағишлов шеърлар, тадқиқотлар жой олган. Бир неча бўлимлардан таркиб топган мазкур китобнинг биринчи қисмида,



асосан, мақолалар, тадқиқотлар, кейинги қисмларда шоирга атаб битилган шеърлар, ёдномалар, хотиралар, эсселар ва мақолалар ўрин олган.

Шунингдек, тадбирда Абдулла Орипов шеърларининг рус тилидаги таржималари жамланган "Ветер моего края" китоби шоир ва таржимон Николай Ильин томонидан тақдим этилди.

Зулайхо АҲМАДЖОНОВА

ИЛМ САОДАТИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Шиддат билан ўзгараётган дунёда бизнинг ўрнимиз қандай бўлади? Нима қилсак фарзандларимизнинг келажаги ёруғ бўлади, каби саволлар аслида ҳалқимиз қалбидаги гаплардир. Маҳалла тизимида жуда катта эътибор берилаяпти. Чунки оила, келажак, Ватан тараққиёти — бариси маҳалладан бошланади. Маҳаллада кичик ишлар йўқ, ҳаммаси муҳим. Дейлик, газ, сув, электр, ободонлаштириш, коммунал хизматларни талаб даражасида ташкиллаштириш, булар асло кичик ишлар эмас. Очиғи-



санайди. Ўтган йил охирида Президентимиз томонидан атроф-муҳитни кўкаламзорлаштириш қирқ кунлиги эълон қилинди. Шу вақт мобайнида Ядро физикаси институти ҳудудда туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда бир ярим минг туп дарахт кўчатлари ўтказилди. Энди бу ташаббус кенгайиб, "Яшил йиллик" деб номланаяпти. Улугбек шаҳарчаси азалдан боғ-роғлари, ўрмонзорлари билан машҳур. Шу бойлиқни асраб парваришлаб, яшил ўрмон ҳудудини янада кенгайтириш ишлари маҳалла фаолларининг доимий эътиборида бўлади.

Президентимиз таъкидлаганидек, Улугбек маҳалласи яқин келажакда

ни айтиш керак, аҳолига коммунал хизмат кўрсатишда ширкат тизими ўзини оқламади. Аҳолидан пул йиғиш, керакли ашёларни сотиб олиш, таъмиричи усталарни ёллаш каби ишлар кўп нуқулликлар туғдиради. Бу тизим ислоҳ қилиниб, марказлашган бошқарув компанияси тузилади. Марказда электрик, сантехник усталарнинг кечаю кундуз навбатчилиги йўлга қўйилади. Қарор газ, сув, электр буйича муаммолар чиқса, дарҳол бартараф этиш имконияти яратилади. Энди кўп қаватли уйлар йўлагиди, подъезд олдида, дуч келган жойда машиналар қўйилмайдими. Уйлар олдида болалар майдончаси, яшил ҳудуд, машиналар турар диган жойлар аниқ белгиланди, ҳатто меҳмонга келувчиларнинг машиналари учун ҳам қўшимча жойлар кўзда тутилди. Кўп қаватли уйлар атрофидаги баланд-паст панжаралар, ўзбошимча қурилган бостирма, омборхона, шунга ўхшаш бошқа қурилмалар олиниб, яшил ҳудудга айлантирилди. Фахрий ва нурунийлар иззатини ўрнига қўйиш, фарзандлар қобилиятини ўстириш учун тўғарақлар очиш, булар — тарбия ва келажакни белгилувчи ишлардир. "Меҳр — кўзда", дейдилар. Ҳар бир кўп қаватли уй ҳовлисиди шийлончалар қурдик. Юзма-юз мулоқот, одамларнинг бир-бирлари иссиқ-соғувидан бохабар бўлиши — ҳалқимизга хос фазилатлардан саналади. Умумхалқ байрамларни маҳаллада кенг нишонлаш ҳам меҳр-оқибатни кучайтиради. Ўтган йили Наврўзда ҳам таъминланган оилаларнинг саккиз нафар фарзанди суннат тўйларини ҳам қўшиб ўтказдик. Байрам, тўй, болажонларга велосипед, совға-саломлар — ҳаммаси имконимизда, маҳалладаги тadbиркорлар бегараз ёрдам кўрсатишади. Бир тadbиркоримиз тасвирий санъат кўргазмасини ўтказишда бош-қош бўлди. Кумга расм чизиш замонавий, жуда қизиқарли санъат тури саналади. Бунинг учун зарур асбоб-ускуналар олиб келдик. Яқинда, яъни 22 март куни буюк давлат арбоби ва мунажжим Мирзо Улугбек таваллудининг 628 йиллигини кенг нишонлаймиз. Шу куни яна бир байрам бўлади — муҳтарам Президентимиз томонидан 22 март — маҳалла тизими ходимлари куни этиб белгиланган. Наврўз билан бирга уч қўшалоқ шодиёнани нишонлаймиз. Шаҳарчамизга номи қўйилган улуг аллома ҳақида фуқаролар, айниқса, фарзандларимиз яхши билишлари зарур. Маҳалла аҳлига ош ва сумалак тортилади. Фахрийларни, нурунийларимизни давра тўрига таклиф қиламиз. Касал ва муҳтожлар ҳолидан хабар оламиз. Беш юз ўринли "Ёшлар маркази" олдидаги майдонда кўча планетарий ўрнатдик. Болажонларнинг қувончини кўрсангиз эди! Гумбаз ичидаги гиламда ўтириб, "самони кезиш", юлдузлар билан сирлашиш гашти бошқача-да. От миниш ва камондан отиш машқларини ташкил этдик. Камондан ўқ отишнинг замонавий спорт ва миллий усуллари борлигини кўпчилик билмайдими. Амир Темур бобомизнинг ҳарбий санъатига хос от устида ўқ узиш усули жуда қизиқарли томоша саналади. Театрлаштирилган сахна кўринишлари ва спортчиларнинг чиқишларида маҳалладаги 54-ва 286-сонли мактаблар жамоаси иштирок этади.

Абдуқаҳҳор ака Ўзбекистон Экологик партияси аъзоси, атроф-муҳит муҳофазасини доимо асосий вазифалар қаторида



олимлар шаҳарчасига айланади. 2021 йили маҳаллада Москва физика-математика институти (МИФИ) филиали очилди. "ЎзАтом" ташкилоти томонидан янги илм даргоҳи инфраструктураси — ўқув биноси, ётоқхона ва меҳмонхона бунёд этилди. Бу институтда 500 нафар талаба тахсил олиши учун барча шароитлар муҳайё қилинди.

Энди бундай замонавий институтлар янада кўпаяди. Жорий йилнинг учинчи чорагида Улугбек шаҳарчасида Венгрия, Корея, Россия институтлари билан ҳамкорликда қўшма илм масканлари очилади. Кимё-технология институти учун янги бино қурилади. Ўқув бинолари, илмий лабораториялар, ётоқхона, турар-жой ва меҳмонхоналар, бошқа зарур инфраструктуралар барпо этилиши ишлар кўламининг нақадар кенглигини кўрсатади. Ҳозир шаҳарчада 8 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда. Бун-



га юртимизнинг турли жойларидан келадиган талабалар, илм аҳли оилалари ва меҳмонларни қўшасак, яқин келажакда Улугбек номидаги олимлар шаҳарчасининг қанчалик гавжум бўлишини тасаввур этиш мумкин.

Муҳтарам Президентимиз Улугбек шаҳарчасига ташрифи чоғида, агар биз илмга асосланмасак, ҳақиқий ривожланиш бўлмайди, дея нафақат илм аҳли, балки ҳар бир юртдошимиз кўнглидаги гапларни айтган эди. Бугун ана шу орзу-армонлар ушалаётди. Олимлар шаҳарчасидаги ўзгаришлардан буюк аллома Мирзо Улугбек ҳазратларининг руҳи шод бўлса ажаб эмас. Таниқли физик олим Ирисали Хидировнинг қуйидаги мисралари янгича мазмун касб этаётди:

**Бебош тарих кўп ҳолларда эрмак излайди,
Аммо бугун бизларга бир ўртак сўзлайди:
Хоразмийлар, берунийлар, улугбекларни,
Бугун бизнинг орамизда кўрмоқ истайди.**

**Излан, ярат — ижод айла, эй мағрур касбдош,
Фан йўлида илҳом билан тўлиб-тўлиб тош.
Қанча-қанча кашфиётлар олдинда ҳали,
Табиятга эгилмасин кўр-кўрона бош...**

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ



Сирожиiddин РАУФ
"Нилий нақшлар"
"Adabiyot" нашриёти,
2019.



Ғулом МИРЗО
"Эй, дарвеш"
"Mashrab" нашриёти,
2022.



ОйжамоЛ МУКИМОВА
"Алиқишлоқлик
ажойиб одамлар"
"Гафур Ғулом" нашриёти,
2022.

Сирожиiddин Рауф ўзининг рангин шеър-яти билан адабиётимизга дадил кириб келган, бугун ҳам ўзига хос шижоат ва илҳом билан ижод қилаётган урта авлод шоирларимиздан-дир.

"Нилий нақшлар" номли китобидан шоирнинг Ватан, миллат, улуг аждодларимиз васфида битилган, шунингдек, меҳр-муҳаббат, садоқат каби муқаддас туйғулар тараннум этилган шеърлари, достони ҳамда жаҳон ва қардош халқлар адабиётидан қилган таржима асарларидан намуналар ўрин олган.

1937 йилда Фитрат, Чўпон, Қодирий каби кўплаб улуг маърифатпарвар аждодларимиз сиёсий қатагон қурбонларига айланган. Орадан ўн икки йил ўтиб, шоир ва публицист Ғулом Мирзонинг "Эй, дарвеш" номли китоби қаҳрамонлари ота-бола Мирза Тўлаев ва Абдурайим Мирзаев ҳам сохта айблов билан қатагонга дучор этилган. Орадан етмиш йил вақт ўтиб китоб қаҳрамонлари оқланди. Тарихий далиллар ва хотиралар асосида ёзилган ушбу қисса ўқувчини бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

Алиёр БУРЛИЕВ,
ўқитувчи

Мана илк баҳор. Кун ҳамалга кирди. Халқнинг қадимий анъанавий байрами Наврўз келди. Деҳқонлар иши жонланиб кетди. Кунларнинг кўрки ортиб, ер юзи безанди. Чиройига чирой қўшилсин, дея табиат гунафшадан холлар кўйди, тоғлар лолаларга бурканди. Тонг шамоллари баҳор муждасини олиб келиб, ғунчаларини очиб, хушбўй исларини ҳар томонга сочмоқда.

Баҳор қизлари ҳам гул тусли ранго-ранг атласларда, ҳайдар кокилларин ташлаб, енг солиб ўйнашга, севги, баҳор қўшиғини айтиб, бутун латофат, назокатларини намойиш қилишга тайёр.

Кўёш йилининг юришида кеча билан кундуз тенг бўладиган — шоирлар тили билан айтганда, бўйи билан сочи тенглашадиган мартнинг иккинчи ярмида ҳосил

Музейяна АЛАВИЯ

НАВРЎЗ — БАҲОР БАЙРАМИ



йили, файз-барокат йили бошланади. Наврўз байрамини кутиб олиш ҳаётнинг талаби, халқнинг узок турмуш тажрибалари асосида юзага келган.

Бу оммавий сайлнинг тантана жараёнида аҳолининг тушунча-қарашлари, урф-одатлари, иқтисодий, маданий даражалари намоён бўлади. Ўрта Осиё халқлари, асосан, қишлоқ ҳўжалиги билан шугулланганлари учун Наврўз кўп жиҳатдан деҳқончилик ишларига боғланади. Аввал баҳордан қишлоқ ҳўжалик ишлари жонланиб кетади. Табиат ўзгариб, гўзаллашади. Қўйлар қўзилаб, қимизга бий бўйланади.

Ер қўқариб, яшнаган яйлаларда кўй-қўзи, қўлулар, буталоқлар, эчки-улоқлар ўйноқлашади. Тоғлар лолаларга бурканиб, булоқларнинг қумуш сувлари мил-миллаб оқади.

Ўз муҳаббати ва онгли меҳнати билан гўзаллик тоғдан инсон мана шу кўркемликлар кучоғида ишлайди. Бу меҳнатдан олган оромини ҳеч қаерда ололмайдими. Яна ғайрат, кучга тўлиб, эл-халқ учун хизмат қилиб, бойликлар яратади.

Наврўз келишига атаб олма, нок, беҳи, узум, қовунларни осиб баҳоргача асраб, майиз, туршак, листа, бодом ва шинни, анорлардан Наврўз учун сақлайдилар.

Наврўзгача ҳашар йўли билан кўчалар, йўллар тозаланиб, ариқлар чиоплади. Уй-либ қолган қиш чиқиндиларидан ҳамма ёқ покланади. Сув бўйларига ниҳоллар экадилар.

Хонадонлар уй кўтариб, буюмлар офтобга ёйилади, идишлар ювилиб пок-кизаланади. Мана бу ишлар уйин-кулгу, хурсандлик билан бажарилади. Ҳатто маҳалла-қўй, қўни-қўшилар ишга кучи ет-

ломга олиб боришади. Улар кексаларнинг қўшгани билан қўша қари, ували-жували бўлинлар, ёғдай ёқимли, ҳолвадан ширин, нондай азиз бўлинлар, тоғланларинг яхшилика буюрсин, деган олқишини оладилар.

Бу кунлар наврўзлик билан беморларнинг ҳоли сўралади. Катта-кичик, ёру дўст йиғилиб, хушхаво жойларни танлаб, уйин-кулгу қиладилар.

Наврўзда энди ниш урган қўм-қўк майсалардан маҳаллаларда катта қозонларда сумалак пиширилади. Сумалак орзиқиб кутилган баҳордан дарак. Қўни-қўшни, ёш-яланлар йиғилиб, ўчоқ атрофида дав-ра қуришади. Сумалак пиширилаётган хонадонда тонггача ҳазил-мутойиба, қўнмалар, қанду қандолатлар билан савдо қиладилар. Аммо мастбозлик асло бўлмайдими.

Бир томондан шеърхонлик, баҳру байт, бир томонда лапар, уйин, қизқичилик, ҳатто қизчалар учун аргимчок бўлади.

Шу кун тугилган боланинг отини Наврўз қўйганлар. Қиз тугилса номининг ёнига гул қўшиб Гулқиз, Гулсанам деб атаганлар. Шоирлар Наврўзга атаб шеърлар, ҳатто наврўзномалар ёзганлар.

Анъанавий баҳор байрамининг яхши ўтиши учун бизда кенг имконият бор.

Ленинободда Хўжандда Наврўзнинг энг яхши намунаси дарё бўйларида ўтган. Ҳозирга қадар Фарғона водийсиди кўклам пайтида Наврўз қилиб, хушхаво жойларга чиқиб турадилар...

Наврўз кунлари чинакам халқ байрами бўлгани учун жуда оммавий бўлади. Бу болалар учун ҳам баҳор таътил пайтига, эскурсиялар вақтига, қишлоқ ҳўжалик ишларига тайёрлик кўриш пайтига тўғри келади. Фойдали анъаналарни ривожлантириб, зарарли бидъатларга шафқатсиз бўлишимиз, учун оқ билан қорани ажрати олишимиз керак.

1967

Лобар Қўқорова нашрга тайёрлади

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ХАБАРЛАРИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан мамлакатимизнинг барча вилоятлари, шаҳарлари ва энг чекка қишлоқларида ёшлар ўртасида китобхонлиқни тарғиб этиш бўйича ижодий учрашувлар ўтказилмоқда.

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 7-, 28-мактабларда ташкил этилган адабий учрашувлар ҳам шулар жумласидан. Абдулла Орипов ҳаёти ва ижодига бағишланган "Сен баҳорни соғинмадингми?" деб номланган маънавий-маърифий тadbирларда Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Сайид, шоирлар Ғайрат Маждид, Шоди Отамурод ва бошқалар иштирок этди. Ўқув даргоҳларининг кутубхоналарига бадий асарлар совға қилинди.

Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманидаги 10-мактабда "Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш мактаб оstonасидан бошланади" мавзусида китобхонлиқка бағишланган адабий анжуман ўтказилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Маждид, уюшманинг вилоят бўлими раҳбари Ҳаётхон Ортиқбоев ва юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, бунёдкорлик ишлари ва бу жараёнда маънавият жонқуярлари, ёзувчи, шоирларнинг фаол иштироки ҳамда адабий жараёндаги янгиликлар ҳақида гапирди.

Тadbирда "Шарқ юлдузи" ва "Звезда Востока" журналлари бош муҳаррири Сирожиiddин Рауф, шоир Рустам Мусурмон, отахон ва онахонлар, маҳалла фаоллари ҳамда мактаб ўқувчилари иштирок этди. Ватан, баҳор ва ёшлик мавзуларида шеърлар ўқилди. Таълим маскани ёшлари томонидан куй-қўшиқлар ижро этилди. Мактаб кутубхонасига Ёзувчилар уюшмаси томонидан бадий китоблар совға қилинди.

ТАЛАБАЛАР ҲУЗУРИДА

Андижон давлат университети филология ва тилларни ўқитиш факультетиди истеъдодли шоир Абдулла Вахш билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. Филология факультети декани, филология фанлари номзоди Баҳодиржон Раҳмонов шоир ижодининг ўзига хослиги, асарларининг юқори бадий савияси хусусида атрофлича мулоҳаза юритди.

Тошкент Молия институтида бўлиб ўтган «Наврўз янгила-ниш ва яшариш фасли» мавзусидаги тadbир барчага баҳорий кайфият улашди. Тadbирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Маждид, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Рустам Мусурмон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Салим Ашур, профессор Наим Обломуродов, фалсафа фанлари доктори Зиёд Давронов иштирок этди.

Эркин ҲОЖИМУҲАММАД

Ўзбекистон халқаро ислом академиясиди "Китоб — маънавият хазинаси" мавзусида тadbир бўлиб ўтди. Тadbирни академия ректори Музаффар Комилов очиб, юртимизда китобхонлиқка эътибор қаратилаётгани ва ёшлар ўртасида мутолаа маданиятини ривожлантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

— Китоб ўқишнинг инсон ҳаётидаги ўрни беқиёс, — деди Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Нодир Жонузоқ. — Ёшларнинг китобхонлиқка қизиқишларини янада ошириш мақсадида академия кутубхонаси учун Уюшма томонидан чоп этилган юздан ортиқ бадий китобларни олиб келдик. Талабалар ушбу китобларни меҳр билан ўқишларига ишонамиз.

Учрашувда, шунингдек, "Зўжко китобхон" кўрик-танлови ғолиблари аниқланиб, уларга Ёзувчилар уюшмаси томонидан бадий асарлар жамланмаси ҳамда мутасадди ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Шоди ОТАМУРОД

бўлажак мутахассис сифатида бефарқ бўлмаслиги, шоир шеърларини тadқиқ этиш орқали касбий маҳоратга эришиши мумкинлигига тўхталди.

Адабиётшунос олим Беғали Мўминов ўз сўзида А.Вахшнинг яқинда чоп этилган «Муҳаббат симфонияси» китобида муаллиф қўллаган услуб ва ташбеҳларнинг муҳим жиҳатлари ҳақида гапирди.

Учрашувда талабалар шоир шеърларидан ёд ўқишди ва ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

ЭЙ, ЖОНИМ, ЖАҲОНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ



БАҲОР НАШИДАСИ

Яшилланди оплоқ тоғлар пурвиқор,
Адирларда чопар гувлаб бўз анҳор.
Бош кўтарди нимдош майса, гул-чечак,
Сулувларнинг сочларида тол баргак.
Атир ҳиди анқир илиқ ҳавода,
Баҳор кезар чул, адирда, сахарода.
Тонгдан то шом чаман ичра сарсари,
Гулдан гулга кўниб учар болари.
Мовий кўкда қушлар қоқар шўх қанот,
Бош кўтарди жами жонзот, мавжудот.
Кўхна тупроқ гунча каби очиб лаб,
Олаётир навбахорни қаршилаб.
Баҳор аввал кириб келгай юракка,
Чулғар дилни турфа орзу, тилакка,
Гар инсонга ёрди толе, саодат,
Баҳор бергай тенгсиз шодлик, фароғат.
Ошиқ магар ишқда эса бахтиёр,
Муҳаббатдир баҳордаги илк шior.
Баҳордир бу — сирли олам санъати,
Табиатнинг жажжи, рангдор суврати.
Баҳордир бу — сулувларнинг ол юзи,
Баҳордир бу — гўдакларнинг илк сўзи.
Олқиш бўлсин қадами шўх кўкламга,
"Хуш келибсан, деймиз, баҳор, улкамга!"
Юртим азал баҳор ила дилкашдир,
Она тупроқ навбахорга пешкашдир.
Жаранг солсин гўдакларнинг кулгуси,
Бор бўл кўклам, бор бўл улкам, келгуси!

ШОИР

Парво қилма, дўстим, эзилма сира,
Ғамгин қўшиқларни куйласа шоир,
Мисралари гарчанд маънос ва хира,
Лекин барчаси ҳам қалбига доир.
Буюк замонанинг оташин зарби
Унинг қаламига ёт асос.
Агар керак бўлса Шарқни ва Ғарбни
Ёлғиз бир шеърига эта олар жо.
Лекин у юрагин қасддан ёқмағай,
Қалбига оламдан оқар оҳанглар.
Айтинг, ҳилол бунча маънос боқмағай,
Айтинг, мунча сулув бўлмағай тонглар.
Айтинг, Боботоғнинг силсиласида
Сакраб кезмасинлар мунис оҳулар.
Улар акс этади шеър мисрасида,
Ажиб ўйчан қилиб кўяди улар.
Парво қилма, дўстим, эзилма сира,
Ғамгин қўшиқларни куйласа шоир.
Мисралари гарчанд маънос ва хира,
Барчаси ҳам шайдо қалбига доир.

Шовуллади тун бўйи шамол,
Қалдиқлар кўчди ларзақор.
Шивирладинг ёнимда хушхол:
"Яна келди, дўстгинам, баҳор".

Шовуллади тун бўйи шамол,
Қорлиқларда ўчди изимиз.
Шивирладинг ёнимда хушхол:
"Мангу бирмиз, дўстим, иккимиз".

Қани, най бер менга, дўстгинам,
Бергил, майли, рубоб бўлса ҳам.
Бер, бир нафас бўшатиб олай
Тўлиб кетган юрагимни ман.
Қаламимнинг кучи етмади
Ҳисларимни буткул тўқмоққа.
Дўстим, тингла, япроқчаларнинг
Шивирлаши зшитилмоқда...
Гўзал, сокин оқшом чўқмоқда,
Тебранади елда чироқлар.
Дарахтзор ҳам сокин солланар...
Қандай маъсум, эрка бу чоқлар...
Қандай ширин дамлар... менинг ҳам
Юрагимда бир ҳис тошмоқда.
Юрагим ҳам дарахтзор каби
Ниманидир олқишламоқда.

Кўзларимга бу ёруғ олам
Қўринмоқда бирам суюмли.
Қани, най бер менга, дўстгинам,
Тўкай тўлиб кетган кўнглимни.

Дўрмон боғларига тинч оқшом чўқди,
Чинор баргларига инди куйларим.
Шаҳарда зеркиб, боғ томон чиқди
Эски танишларим — ошно ўйларим.

Бу жойлар баҳаво, гўзал ва лобар,
Офтоб ҳам кўз узмас ёна ва ёна.
Юксак аргувонлар, оғочлар сербар,
Бу шеър кошонаси, бу ижодхона...

— Хайр энди...
Қалбимда бир видо қолди,
Хайр энди, сен кетдинг, беғуноҳ оху.
Бугун сен қайдасан? Қайларда қолдинг?
Бугун бош устингда кимнинг паноҳи?!
Сени кеч толгандим, эрта йўқотдим,
Қарғагин, лойиқман сенинг қаҳрингга.
Ўзгалар қалбига қадр уйғотдим,
Бироқ етолмадим ўзим қадрингга.
О, инсон қисмати, бунчалар чигал,
Бунчалар хилма-хил фоже ва аза.
Қисматим, ўзимман гуноҳкор бу гал,
Нахот, гуноҳкорга қўшиқдир жазо?!
— Хайр энди...
Қалбимда бир видо қолди,
Хайр энди, сен кетдинг, беғуноҳ оху.
Бугун сен қайдасан? Қайларда қолдинг?!
Сен бугун кимларнинг масъум ҳамроҳи?
Қайси бир одамнинг бахтига ёрсан,
Очилдими сенга толе дарчаси?!
Бугун сен кимларнинг меҳрига зорсан,
Менинг юрагимнинг мажруҳ парчаси?!

Хат ёзмадим,
Хабар қилмадим,
Боролмадим, солиб галга гал.
Қандай экан онам, билмадим,
Йўлларимга тургандир маҳтал.
Хат ёзарми ўғлим, деб, зора
У-ку мени турибди кутиб.
Мен-чи, ношуд, бўлиб овора
Авлодларга ёзаман мактуб.

РУҲИМ

Вужуд деганлари асли нимадир?
Дайр денгизида юрган кемадир.

Бир кун бир қояга урилгай кема,
Руҳим, сен вужуднинг ғамини ема.

Юксак фазоларда айлагил парвоз,
Сенда на оҳанг бор ва на бор овоз.

Сенга на буронлар қор қила олур,
Сени на йўқотиб, бор қила олур.

Сен мисли камалак — юксак ва сўлмас,
Камалакни эса, парчалаб бўлмас.

ХАВАС

Баҳор осмонида чакнаса чақин
Кўксингдан отилар оловли нафас.
Эй, сен, жавон шоир, ўспирин оқин,
Ўтли юрагингга қилурман ҳавас.

Кўкда юлдуз эмас, у сирли қўшиқ,
Интизор йигитнинг чашмига синган.
Муҳаббат дардига мубтало ошган,
Сенга ҳавас билан боқурман чиндан.

Беланчка бошида ўйнар парча нур,
Жажжи чақалоққа бор дунё абас.
Шу парча шуълада кўрдинг не сехр?!
Гўдагим, мен сенга қилурман ҳавас.

Лочин юракдир бу — яшиндай шахди,
Ғаддор қояларга ургувчи қанот.
Сенга ҳавас билан боқурман, рости,
Ўлимга тик кўксин тута олган зот.

Бахтлидир, қай қалбда ёниқ нур, зиё,
Бахтлидир, қай қалбда ёниқ ҳаяжон.
Шу сабаб дастиди бўлса ҳам дунё,
Ўтли ёшлгини кўмсайди инсон.

ЙИЛЛАР АРМОНИ

Кимгадир яхши гап айтдик, биродар,
Кимдир бир умрга ранжиб ҳам кетди.
Кун кеча ёш дердик ўзни бир қадар,
Бугун-чи, балогат пайти ҳам етди.

Инсон ўз умрини ўйласа кўп вақт
Қийнайди ўзидан ўтган қусурлар.
Кимгадир айтилмай қолган бир раҳмат,
Кимдандир сўралмай қолган узрлар.

Мукамал кўрмоқчи бўлдик дунёни,
Етук бўлолмадик ўзимиз бироқ.
О, йиллар армони, йиллар армони,
Армон кўрмадим мен сиздан буюкроқ.

Инсонга тобемас замон, инчунун,
Инсон юрагига аламлар қат-қат.
Фақат бир таскин бор, барчаси учун
Афсус чека билсанг — шу ҳам бир давлат.

ИЗҚОР

Қанча диёрларда сайр этиб юрдим,
Қанча манзилларда туздим ошён
Ва буюк ҳикматга охир юз бурдим,
Сийланган жойида азиздир инсон.

Юртим, сенда экан насибам тугал,
Сен ўзинг масканим, сен ўзинг шоним.
Сен онам, сен синглим, ёримсан азал,
Эй, жоним, жаҳоним — Ўзбекистоним.

Иста, қисматимга ўзинг бер барҳам,
Иста, яхши кунда номим қилгил ёд.
Менсиз ҳам мукамал экан бу олам,
Менсиз ҳам бахтга ёр экан одамзод.

Юртим, фақат сенинг қўлингдан тутиб,
Болангдай эргашиб кета олсам, бас.
Сен пири қомилсан, мен сенга муҳиб,
Сени танимаган мени ҳам билмас.

ҲОЛАТ

Бир нафас қўшни ўз ҳолига қўй,
Оташин дилнингга этмагин қиёс.
Бир нафас қўшдай кўрсатсин у рўй,
Бир нафас қўшдай порласин қўёш.

Бир зум денгизга ҳам боққил бетўйғу,
Дема, ўйларимдай у теран, тенгсиз.
Бир зум балиқларга ватан бўлсин у,
Бир зум денгиз бўлиб гувласин денгиз.

Шамолнинг бўйнига осилма бир дам,
Елмасин майли у ҳаёлинг мисол.
Бир зум ўз ҳолича яйрасин у ҳам,
Бир зум шамол бўлиб тентисин шамол.

Бир зум сен заминни кўйгил бекўтқу,
У ахир кўп туйди туйғулар таъмин.
Бир зум майсаларга она бўлсин у,
Бир зум замин бўлиб яшасин замин.

Бир зум ўз ҳолимга қўй сен ҳам, болам,
Аён-ку менга ҳам Инсон матлаби.
Бир зум одам каби яшайин мен ҳам,
Мен ҳам яшай бир зум бир одам каби.

АЁН БЎЛГАЙ

Агар ёринг хиром этса,
Саболардан аён бўлгай.
Тақаллуми чаман берган
Садолардан аён бўлгай,
Агар ёринг қўёш бўлса,
Анга асло боқиб бўлма,
Камолингми, заволинг ё —
Самолардан аён бўлгай.
Агар ёринг хусн шоҳи —
Ўтар бўлса шаҳарлардан
Гузларда қолиб кетган
Ғадолардан аён бўлгай.


Агар ёринг жафокордир,
Жафокор, деб, отин айтма,
Унинг асли ўзинг чеккан
Жафолардан аён бўлгай.
Агар ёринг садоқат деб
Сенга кўнгил кўяр бўлса,
Куйиб ағёрларинг, бахти —
Қаролардан аён бўлгай.
Агар ёринг муҳаббатни
Нихон сақлар, гумон этма,
У бир ганждир, бироқ ҳадди
Адолардан аён бўлгай.

Агар ёринг бўлиб Ширин,
Агар ўзни десанг Фарҳод,
Қиёсинг чин ва ё лофдир,
Вафолардан аён бўлгай.

Агар ошиқсан, Абдулла,
Қаноат қил сабр бирла,
Надур холинг — сенга боққан
Балолардан аён бўлгай.

— Азимованинг қизи сени велосипедда
кўрипти. Йиқилибсан. Онасига айтипти...
Онамнинг бу гапи менинг тинчимни йўқотди:
демак, Бибиғул мени кўрипти, йўқ... менга эъти-
бор қилипти. Йиқилганимга ачинипти. Ҳатто она-
сига ҳам айтипти!
— Эна, мен даштга кетаман! — дедим.
— Ҳозирми? Шу кундами! — ҳайрон бўлди онам.
— Ёгин-сочин маҳали, болам. Даштда чақмоқ ёмон
бўлади, бир чўпонни уриб кетипти!
— Ҳечқиси йўқ. Мен оқ кийим киймайман-ку!
— Ким билан борасан даштга?
— Ўзим. Ўткинчилар билан. Чорбозорчилар
бор. Ана, эшагим!
— Нимага... бирдан борадиган бўлиб қолдинг?
— Энажон, ҳадемай ёз бошланади. Велосипе-
димни опкелама!
— Ахир, ҳозир велосипед миниб бўладими? Ба-
рибир, келтириб оморга
қантариб қўясан.
— Барибир боргим
келяпти. Даштния

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ



дан чиққанмиш... Биз
ёзда бу камарда ҳам кўп
бўлардик. Чунки баҳорда
ошқовоқ экардик. Ичка-

БАҲОР



соғинапман!

— Кутсанг бўларди, бир-икки кун. Айтириб
юбораман. Аканг ўзи опкелади.
— Йўқ. Эрта шанба. Тушдан кейин жўнайман.
Бозор куни қайтиб келаман.
— Ўзингга эҳтиёт бўл-да.
Шанба куни тушдан кейин жўна-
дим. Ҳаво илиқ. Баҳор осмони тиниқ.

Толлар қуртак чиқарган. Ҳовлимиздан
чикдим. Район ҳам орқада қолди. Бийдай дашт.
Сўқмоқ... Бу сўқмоқ менга кўпдан таниш. Эсим-
ни таниганимдан буён юраман. Аввал даштда
яшардик. Сўғ районга кўчиб келдик. Уёқда уто-
вимиз, уйимиз қолган. Акам доктор. Кўзда мо-
тоциклини сотиб, велосипедимни миниб кетган
эди. Бориб опкелишимга вақт бўлмади. Ўқиш
бошланиб қолди... Э-ҳе, бу даштлар менга та-
ниш! Гули, кўкати билан! Қушлари, кенглиги би-
лан! Сўқмоқлари, ўрлари билан таниш!
— Эҳ-ҳе, ўзларин-ку! — деб қарши олди акам.
Акам Алиқул ўрта бўй, елкадор йигит. Шўх,
кўзлари қийиқ. Мен онамга тортиб, қиррабурун,
чақноқ кўз бўлганман...

Ана ўтовимиз! Ана ёлғиз қайрағоч. Ана паст-
ликда... Форкамар! Нариди дарё, унинг гиш
соҳиллари. Адирда қўй-қўзилар!
— Ҳа, келдим, — дедим. — Велосипедга келдим.
— Э, укам-э, овора бўлсан-да. Обориб берар-
дим.

— Ўзим келдим, соғиндим даштни!
— Бу бошқа гап. Юр ўтовга. Э, қуйиб юбор
эшакни, қаерга кетади. Узум обкемадингми?
— Соб бўлди. Осма узумниям еб қўйдик.
— Бизда қатиқ, қаймоқ, гуштдан булак нарсаси йўқ.
— Шу яхши-да. Бизда ана шулардан камчил!
— Велосипедни қандай қилиб олиб кетасан?
Эшагингга ортасанми, ё эшагингни унга ортасан-
ми?
— Бир йулини қилармиз-да, ака!
— Совқотмадингми? Хей, кампир! Меҳмон кел-
ди.

Йангам билан ҳам сўрашдим.
Ўтов... Ўтов. Ана силлиқ увуқлар, шахматсу-
ха керага. Ана саноч, дўмбира. Кигизлар, қуроқ
кўрпалар. Ўртада ўчоқ. Бу ўчоқда бозиллаган шу-
воқ чўғида қанча исинганман. Қўйлар кўзилан-
да, ташқари совуқ бўлса, ичкарига киритардик.
Тапир-тупур қилиб, уйку беришмасди. Оқшомла-
ри ташқаридаги сулада ётардик. Отам дўмбира
чертар эди. Унинг овози! Паст, қандайдир дағал
ва хаста. Бироқ уни эшитганда кўнглинг кенгайиб
кетади. Кўз олдингда беҳад адирлар кўринади...
Ўтов! Қаймоқ ҳам едим. Қатиқ ҳам ичдим,
гуштга ҳам тўйдим.

Акам билан Форкамарга тушиб чиқдик. Ўша
камар, ичи кенг, юз бош қўй соялаши мумкин.
Бурчақда, қоялар орасида бир туп тут ўсан.
Унинг шоҳлари пастдаги серқамиш кўлга тегиб
турарди. Шу кўлга тушган нарсаси қайтиб чиқмай-
ди дейишади: унинг таги йўқ эмиш. Бир туя чўкиб
кешиб, тўқими юз қақирим наридаги бошқа кўл-

рига кириб, кўчмак ўйнардик.

— Хайр, ака.
— Эшагинг бўлмаганда бир мошинга солиб
юборардим.

— Ҳечқиси йўқ.
— Қани, менга қара. Қийналмайсан-
ми?
— Йўқ.

Мен эшакда ўтирибман, велосипед рамаси-
ни гўё кийиб олганман. У елкамда, рама ичидан
бошим чиқиб турипти. Филдираклари икки ёнда.
Эшакни ҳайдаб юриш ноқулай. Лекин бунга эҳти-
ёж ҳам йўқ; эшагим қаёққа бораётганини яхши
билиди.

— Хайр, ака.
— Очқасанг, хуржунда гушт бор, олиб е. Қатиқ-
дан қўшниларагям беринглар.
— Ҳўп, ака.

Йулда ёмғир ёғди. Чақмоқ бўлди. Мен шалаб-
бо бўлдим. Совқотдим. Кўрқдим...
Кечқурун уйга етиб бордим. Елкам увишган,
кўтара олмас эдим. Эртаси тушдан кейин вело-
сипедга ел бердим. Артдим. Филдираги қийшайиб
қолган экан, тузатдим, тўғриладим. Ёмғирли, пой-
ли тор кўчамизга миниб чиқдим. Ундан марказий
кўчага ўтдим. Э, ҳамма менга қарайди! Ҳозир ким
велосипед минади? Менга ўхшаган бирон «олиф-
та» бу ишга жазм қилмаса, бошқаси қилмайди...
Чорраҳа!

Бу чорраҳаю мен учун азиз. Чунки пастга
тушган ерда Азимова оламнинг уйи бор. Дерзаси
кўчага қараган, Бибиғул ёз, баҳор оқшомлари шу
дараза ёнида китоб ўқиб ўтиради. Шу дараза ёни-
даги дарчадан сатил кўтариб сувга чиқади. Мен
уни... мактабдан келаётганимда кўп кўраман.
Нима учундир... уни кўрганда оёқ босаётган ерим
эсимдан чиқиб кетади. Бир-икки марта ариқча ту-
шиб кетганман. Юрак-бағрим эзилади, ичларим
огрийди. Панага ўтганда йиғлагим келади. Нима-
га?. Қишда «Робин Гуд» деган кино бўлди. Би-
ринчи оқшом кириб, Бибиғулни кўрдим. Ёнма-ён
тушиб қолибмиз. Кейин ҳар кеч кинога кирадиган
бўлдим. Лекин у бошқа кирмади. Тиззагача лойга
беланиб уйга қайтардим...

Бибиғул! Ана Бибиғул!.. У ҳам менга ўхшаб
кетади, фақат ранги тиниқ, оқ! Қарашлари майин,
қулиб тургандай ҳаммавақт.

Бибиғул!..
— Қани! — деб педални босдим. Худди буюрган-
дай унга етганимда, йўқ, чорраҳадан бурилиб, дера-
залари олдида ўтаётганимда филдираклар бирдан
тойиб кетди. Мен, телпагим бир ёққа учиб, отилиб
тушдим... Қизариб ва илжайиб ўрнимдан турдим.
— Кўзингга қарасанг бўлмайдингми! Ҳаммавақт
йиқилиб юрасан-а! — деди Бибиғул ва... дарвоза-
ларидан кириб кетди.

Мен велосипедни турғизиб хиёбонга чиқдим.
Йиғлагим келарди...

Кейин билдим: у менга қизикмаган, менга
ачинмаган. Онасига ҳам шунчаки гапирган экан.

Дашт ва кенгликка ўсганман. Вояга етган қишлоғимнинг тўрт тарафи уфқларга туташиб кетган дашт ва кенглик эди. Ана шу дашт, ана шу кенглик, ана шу уфқлар кенгликка ўзим билмаган ҳавасларни, қандайдир ҳайратларни макон туттирарди.

Болалик пайтимда, пешиндан кейин мактабдан қайтиб, даштда мол боқардим, кенгликка маҳлиё термилардим. Даштнинг бепоеён осмониди қанот қоқиб, пириллаб учётган турғайга, кўклам маҳали даштда бир муддатгина барг ёзиб, гуллаб ўсаётган кўзигулга интизор-интизор боқардим. Уларнинг ҳолати, уфқлар синовати кенгликда нималарнидир пайдо этарди. Кўёш нури даштни ва кенгликни гоҳ порлатарди, гоҳ қара-тарди. Даштнинг ва кенгликнинг сукути, кенг сатҳи ҳаёлимни доимо ҳаёлга уларди. Тасаввуримни синоватга бойларди.

Даштда буй қўзган ботиний довуш кўтарарди, ўсти-рарди, кенгайтирарди кенгликнинг зоҳирий бастин.

Дашт.
Кенглик.
Осмон билан замин бир-бирига жудаям яқин.
Туташиб кетган.
Айникса,
Эрта кўкламда.
Борлиқ мовий тусга ўранган маҳал.
Осмон мовий.
Замин мовий.
Хаёл каби бепоеён олам.
Мовий рангда болалик каби покизалик,
беғуборлик мужассас.
Унга тўйиб-тўйиб термилгинг,
бағрида қўлчларингни ёйиб,
тўрт тарафга югургинг келар.
Узоқ!
Уз-оқ!
Уз-о-қ!!!
Мовий тус кенглик тубига,
сен эса,
унинг қат-қатига сингиб борардинг,
даштдан бошлинаб,
кенгликка уланиб,
уфқларга туташиб кетган сўқмоқлар сингари.

Ана шу ҳайрат адабиётга муайян ихлосимни, қатъий эътиқодимни уйғотган...

...Мақтабимизда катта кутубхона бўларди. Халқ оғзаки ижоди: дostonлар, эртақлар, афсоналар, ривоятлар, мақоллар, топишмоқлар жамланган китобларни; ижодкорларнинг насрий ҳамда назимий асарларини ўқувчилар бир-биримиздан қизғониб-қизғониб басма-басига ўқирдик. Китоблар ситилиб-ситилиб, йиртилиб-йиртилиб кетарди. Китобларни боласидек қадрлаган, меҳри дайро кутубхоначи — Нуртош хола малоллик қилмай, эринмай зардолло дарахтининг танасидан сиғирилган шилим билан қайта-қайта шилимлайверарди. Китобларни авайларди, эъзозларди.

Икром ОТАМУРОД

РУҲИЯТНИНГ ТАРЖИМА ҲОЛИ

...Адабиёт муаллимим — Нурулло Ҳамроев шеър вазнлари борасида дарс ўтганда, дашт ва кенгликда кенгликда пайдо бўлган ҳайрат суратига йўналгандек бўлди:

Зангори-зангори даштлар қўйнида:
Хаёллари ширин-ширин,
Орзулари тиниқ-тиник
бир бола,
қўлларини боши остига қўйиб
термилди осмонга...
...Инглиз шоири Уильям Блейкнинг шундай ибораси бор: "Мен дунёни қандай кўрсам, шундай чизаман". Бу, албатта, табиатнинг руҳиятидаги руҳий ҳолатини, руҳиятнинг табиатидаги табиий иқорини самимий воқиб эъти. Табиат руҳиятнинг, руҳият табиатнинг уюшми. ...Мақтабни битириб, Тошкент давлат университетининг журналистика факультетида ўқидим. Уша пайтда, таржимашунос олим Ғайбулла Саломов таржима кафедрасининг мудирин эди. Кангликда далда бериб, мадад бўлган. Пойтахтда қўлишимга имкон яратиб ишга жойлаштирган. Сўзга бўлган ҳайратимга, сўзга бўлган ихлосимга меҳр билан қараган. Уларни сўзининг эътиқодини қалбларига ҳам илмий маромда, ҳам тафаккур йўсинида

жиҳатини ҳам ботиний, ҳам зоҳирий сирада рангин ҳолатларга йўғиради, тимсолий йўсинларга йўналтиради, хаёлий идрокларга чоғиштиради. Шунга қандайдир ҳис қилган ҳолда, имконим етгунча, қўбим келганча кенгликка назар соламан, кенгликка мувожаат қиламан.

Канглик, мендан бўлак мининг бор сенинг,
Канглик, сендан бўлак менинг кимим бор?
Не десам, дегувчи ёлғизим менинг,
Не айтсанг, айтгучи ўзинг хокисор.

Канглик, мени тушунгучи ўзингсан фақат,
Канглик, сени англаб етувчи фақат ўзим.
Менинг вужудимда улғаяр тоқат,
Сенинг вужудингда гўнчалар тўзим.

Канглик, ғамларимнинг ашқлари дайро,
Канглик, армонларнинг қайғулари тоғ.
Канглик, мени қарғига тортар бу дайро,
Канглик, сени янчиб кетади бу тоғ.

Дахридун дайрида чирпаган гард —
Канглик, бир кун кетармиз чиқармай натоғ.

Кимгадир қолдириб ғарибгина дард,
Кимгадир қолдириб ғарибгина доғ.

Адабиёт — мўъжизавий силсила. Боннинг дарахлари, даштнинг гиёҳларию қўшлари, дайронинг тўқинлари, иқлимнинг ҳавою манзаралари бир хил бўлмагани сингари адабиётнинг шаклдан тортиб, моҳиятгача турфа хил бўлиши табиий ҳол. Адабиётнинг бир парчаси бўлган шеърят борасида испан шоири Антонио Мачадо шундай мулоҳаза келтиради: "Шеърят — шоирнинг давр билан, даврнинг шоир билан суҳбати". Шоир ўз кузатувлари борасида ҳаёлининг мундарижасига мувожаат қилади. Қиёс топади. Маҳозий мушоҳада топади. Ташбеҳ, ранг, довуш мўъясаси асосида, сўзни кенгликда макон топтиради. Шундай бир таассурот, шундай бир қадр, шундай бир хотира борки, ҳар қандай элчи, ҳар қандай юрти доим фикр, мушоҳа-

да, хусусан, сўз сирасинда яратилган тафаккур билан туйғунинг уюшқ ҳосиласи бўлиши адабиёт кўтариди ҳамда кенгликларда ва жуғрофий манзиллари маконларда доимий яшатириб келади.

Фасллар алмашиб тургани каби, иқлим ўзгариб боргани сингари, тонгда кўёш чиқиб, пешинда тепага кўтарилиб, сўнг қиёлага оғгани мисол адабиёт ҳам гоҳ ривож топиб, гоҳ сукутга кетиб, гоҳ сусайгандек бўлиб бориши табиий. Бундай тарз ҳеч қандай муаммони ҳосил қилмайди. Бу қайсидир сирада, қандайдир танаффусга ўхшайди. Табиийки, бир оз танаффустан сўнг, яна жараён мезони бошланади. Ҳаракатга келади. Шунинг учун буни зинҳор муаммога йўналтирмай, табиий равишда қараш лозим. Даврлар нима учун яшаб кел-япти? Кангликларнинг ботинидаги қирралар даврларни даврларга улаб келаятгани шунчаки, бежиз эмас. Бу, албатта, адабиётнинг йўсинида томир отади. Адабиётга сингигани, адабиётда воқиф бўлгани боис, қайсидир йўсинда давом этиб бораверади. Шубҳасиз, бу табиий ҳол. Нима бўлишидан қатъий назар, ҳар бир жиҳатга, ҳар бир нарсасига, ҳар бир маромга, ҳар бир ҳолга меҳр ҳамда мурувват, ихлос ҳамда эҳтиром билан эътибор берилса, яшайверади. Қаҳр ёки иддао, кибр ёки манфаат билан



қаралса, бир лаҳзанинг ўзидек, тафаккур ила туйғунинг қадри тамом бўлади. Айниқса, адабиётга ихлос қангликнинг маконидан жой олиб, унга беминнат қадр айласса, элнинг ўзлиги, юртининг ғурури мустаҳкам равишда ўсиб, тақомиллашиб бора-веради.

Адабиёт — ҳар бир кенгликнинг, ҳар бир элнинг, ҳар бир юртининг ҳам сўзи, ҳам тарихи, ҳам жуғрофияси. Адабиётнинг яна бир хусусияти, Александр Блок айтганидек: "Адабиёт — руҳиятнинг таржimai ҳоли".

Адабиёт учлик: қадим, бугун, эртага. Қадим — тасаввур. Бугун — кузатув. Эртага — ҳаёл...

...Хаёлимга яна дашт ва кенгликнинг соғинчи келади:

...Қашқадайро дашту кенглигига
осмон бошини қўяди,
Қошларини ё айлаб, юлдузлар келар яқин.
Лаблари тарс ёрилиб, офтоб жондан суяди,
Кўзигуллар зулфига гулдор жигалар тақиб.

Кангликга ҳарорат, тафти беради элас-элас,
Гуриллаб ёниб, сўнган, олис гулханлар ҳили.
Унда менга қадрдон руҳга кўчган унут сас —
Садоланиб сасланар, жовид турғайлар тили.

Тўрт томонга югурар, ҳансираб, аланг-жаланг,
Тўриқлар изи ботган ёлғизоёқ йўллар тим.
Қад кериб полвонлардек туради кўкси яланг,
Бепоеён бул маконлар бепоеёнлик ичра жим...

...Бир лаҳза қўй ўзинга ўзлигим қувватини,
Бир синоват сезгаймас дашт, кенглик бордин жойлаб.
Қашқадайро дашту кенглигини тўнган суратини
Олиб юргайман канглик меҳвариди авайлаб...

— Сиз бошқа театрларга спектакль кўргани бориб турасизми? Режиссёрлигингиз саҳна асаридан оддий томошабин каби завқланишингизга ҳалал бермайдими?

— Албатта, бораман, кўраман, фикрлайман, таққослайман. Ўқиб-ўрганганларим менга қанча мадад берган бўлса, кўрганларим ҳам худди шундай, балки ундан-да кўпроқ кўл келди. Режиссёр янги-янги нарсаларни кўр-мас, "ижод ҳалтаси" ни доим тўлдириб турмаса, натижа "эски ҳаммом, эски тос" бўлиб қолаверади. Янги жоиларни, янги нарсаларни кўриш одамни янгилайди, янги таассуротлар бағишлайди, тасаввурларни бойитида. Шунинг учун ҳам халқимизда: "Юрган дарё, ўтирган буйра" деган мақол бор.

Агар саҳнада қўйлаётган спектакль яхши бўлса, режиссёрлигини унутаман, ёш болага айланаман. Кўп мартаба спектакль кўра туриб, ҳеч ким қарсак чалмасам бир ўзим қарсак чалиб, ҳаммани ўзимга қаратиб, хикоятда қолганман. Ишонаверинг, дилим тортган театрда бораётиб, бир эмас, иккита рўмолча оламан. Спектаклнинг эмоционал лавҳа ва кўринишлари менга жуда тез ва кучли таъсир қилади, кўпчилик учун эмоционал бўлмаган ўринлар менга кучли эмоционаллик бағишлайди, руҳимни, қалбимни тебратиб, чайқатиб юборади. Буни режиссёрлигимдан деб биламан. Режиссёр воқеа-ҳодисалар моҳиятини тез ва чуқур қабул қиладиган одам. Оддий томошабин "маззини қаққунча", режиссёр уларнинг охири-оқибатини кўра олади. Бу касбиимизнинг ўзига хослиги.

Баҳодир Йўлдошевнинг "Дийдор" театр-студиясида тожикистонлик таниқли режиссёр Барзу Абдураззоков саҳналаштирган "Қапаланинг тушлари" ва яна Ўзбек Миллий академик драма театрида "Уруш одамлари" спектакллари кўрарканман, шундай ҳолатга тушганим рост.

Ёмон спектаклни кўриш — азоб. Унда ростакан режиссёр бўлиб қолман-у, спектакль туғашини кутаман.

— Бадий адабиётни доимий равишда ўқиб, кузатиб борасизми ёки...

— Нима ёки?! Ёки шунча ўқидим, бўлди-да, деб бироз орттирган обрўга "мини" юраверасизми, де-моқчимсиз? Йўқ, асло. Олдинги саволнингизга жавоб бераётиб, кўп дунё кезганман, деб мактандим, кўп ўқиганман, деб ҳам айта оламан. Мен эмас, касбим кўп ўқийди. Ўқиб — бу менинг касбиимнинг талаби, озуқаси. Касбиимнинг "қорни тўқ" бўлмаса, менинг аҳволим хароб бўлади.

Бадий адабиётни доимий ўқиб, кузатиб борасизми?.. Доимий равишда ўқиб бораман, десам ишонасизми?.. Мен касбиимга "мазали озуқа" ахтараман. Ҳаммасини ўқиб кузатолмайдман, ҳаммасида ҳам исталган "маза" ни тополмайман. Бир ҳазил гап бор: "Ёзувчиларнинг" яхшиси бўлади, ёмони бўлади. Ёмони ёмон асар ёзади, яхшиси умуман ёзмайди". Мен суйган, ҳурмат қилган адабларнинг ёзганларини, албатта доимий равишда кузатаман, ўқийман. Эркин Аъзам, Хайриддин Султон, Хуришд Дўстмуҳаммад, Усмон Азим, Назар Шоноқул, Улғабек Ҳамдам, Кўчқор/Норқолиб, дилбар шоноларимиз Фарида Афруз, Хосият Рўстам ёзганларини ўқийман, янги асарларини кутаман. Шароф Бошбеков неча йиллардан бери ёзмай қолган бўлсам кутардим, кутардим... Афсус, энди умид сўнди.

Бирор бир яхши китобни ўқиганнимда асарда тасвирланган лавҳалар, воқеаларни саҳнада тасаввур қилиб кўраман. Ўз-ўзиндан қаҳрамонларнинг ўй-хаёллари, туйғу-кечинмалари диалог ва монологларга кўчади. Асарни спектаклни кўраётгандек таҳлил қиламан. Яъни режиссёр нигоҳи билан ўқийман.

— Бугунги театр муаммоларини нималарда кўрасиз?

— Театр муаммоларини мендан, режиссёрдан сўра-яписизми? Мен, албатта, асосий муаммо — **режиссёр** керак дейман! Бугун театрда факультетда қўламли фикрлайдиган, юксак бадий дидга эга, воқеа ва ҳодисаларни аниқ ва теран ҳис этадиган, уларга нисбатан ўзининг оригинал — янги-ча муносабати қадрли шаклланган, билими, зукколиги, иқтидори, дунёқарашининг



ўқтирлиги ва кенглиги билан бугунги театр тақдирини, қиёфасини буткул ўзгариштиришга қодир ва шунга астойдил бел боғлаган ижодкор, ихтирочи, талқин қилувчи, илҳомлантирувчи лидер, ташкилотчи ва тарбиячи, энг муҳими, бутун театр тақдирини учун жавоб беришга жасорати етадиган режиссёр керак! Театрнинг бугунги ва эртасини режиссёрсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Мени ўз касбини улуғлапти, деган ҳаёлга борманг, бу гапда ҳеч муболага йўқ. Ҳамма замонларда — аввал ҳам, ҳозир ҳам қай бир театр дунёга танилган экан, бу, биринчи навбатда, шу касбини юксак чўққига олиб чиқа олган режиссёр номи билан боғлиқ.

Театрга **актёр** керак! Режиссёрдан талаб қили-надиган мажбурият ва масъулиятдан сира кам бўлмаган фазилат ва хислатлар актёрдан ҳам талаб этилади.

— Матбуотдаги чиқишларингиздан бирида "Актёр — ҳаракатдаги образ" деб таърифлаган эдингиз.

— Ҳақиқатан ҳам, театр таг-томири билан, бор моҳияти билан актёрнинг мулки, актёрнинг ихтиёридаги маскан. Театр ўз ғояларини, таъсир кучини фақат актёр орқалигина намойён этади. Бугунги театрда интеллектуал, ижодкор, касб талабларини мукамал эгаллаган, режиссёрнинг оғзига қараб қолмайдиган, унинг ўйинчоғига айланимайдиган, теран фикрловчи, ўзининг жисмоний, психологик ҳолатларини энгил бошқара оладиган, кучли ички интизомга эга, театрни дил тақидан яхши кўрадиган актёр керак! Театрнинг асл эгаси — актёр! Илло саҳнада, томошабин кўз олдида рўй берадиган ҳамма воқеалар фақат "актёр жаноби олиилари" туйфали содир бўлади.

Шу билан театрнинг ҳамма муаммолари саналди, деб ўйлайсизми? Афсуски, йўқ, улар а-анча. Уларни оддон мушоҳада қилиб, айнан театр санъатини бошқа санъатлардан алоҳида ажрати олиб, соҳанинг ҳос хусусиятлари ва ҳос маънавга асосланган ҳолда, тармоқни буткул ислох қилиш лозим, деб ўйлайман.

Театр иқтидор билан тирик. Иқтидор эса, маълумингизким, қаммоб ҳодиса. Уни экиш, ундириш, ўстириш, яъни парвариллаш керак.

Театр бизнинг жамиятимиз учун нима ўзи? Биз бир-бирига қоршийтириб юбораётган санъатлардан фарқи борми унинг? У, биз ҳозир пойдеворини қуришга бел боғлаганимиз Учинчи Ренессанс учун нечоғли аҳамиятли?

Маърифатпарвар жадид боболаримиздан Маҳмуд-хўжа Бехбудийнинг театрини "иборатона", Абдулҳамид Чўлпоннинг: "Тибт деган нарсасанойи нафиса(санъат)нинг энг олий қисми. Улуси бир миллатни бор деб бўлмас. Маданий миллатларнинг услиш даражасини билмак учун тарозуга солинганда тарозунинг ўртасида яриқаб турадурган санойи нафиса ва унинг бир қисми бўлган тибтдир", деганини ростмана қабул қиламизми? Биз ҳам

театр санъатини жадид боболаримиздай юксак баҳолай оламизми?

Театр обрўси ва нуфузини баланд тутиш керак. Илло, бу санъат бизнинг жаҳон миқёсидаги маданий, маънавий даражамизни белгилайди.

— Сизнингча, келгусида театр санъати қай йўлдан бориб ривожланади?

— Мен башоратчи эмасман. Амалиётчиман. Бас, шундай экан, театрда кўзим билан кўрган, танамда ҳис қилган нарсалар тўғрисида мулоҳаза-мушоҳада юрита оламан.

Театр санъатининг ифода воситалари, уларни қўлаш усуллари, ижро услублари турлича бўлган оқимлар дунёда кўп. Дунё кезиб, мен уларнинг жуда кўпларини кўрдим. Улар орасида анча ривожланганларидан бири бу — "ребус театр" (мен уни шундай номладим). Яъни шакллар театри. Саҳнада шакллар қанчалик тушунар-сиз, англамсиз бўлса, шунча яхши, у томошабинни уйла-ша, улар мазмунини топишга ундайди, деб қаралади. Мазмунини топишнинг эса сира иложи йўқ, Мавхум, бош-қотирма. Спектаклдан бошингиз қотиб, қандай жавоб топишни билмай қисқиз ва охири: "Бор-е, менга нима зарил?" деб қўй сикатга қўя қоласиз. Кўп сйлтайсиз-у, лекин ғалати ҳиссиёт сизни узоқ вақт таъқиб қилади. Бундай театрнинг асосчилари, унга эргашадиган минг-лаб режиссёрларнинг асл максадлари ҳам айнан шу — ҳеч нарсасига тушунмасангиз-да, томошанинг ёдингизда узоқ вақт сакланиб қолди эффект. Бундай театр, назаримда, санъатнинг асл ва азаллий принципларига, маъ-иятига мос эмас, бильакс, зарарли. Бизда ҳам баъзи ёш режиссёрларда ана шундай театр услубига мойиллик, ребус-театрнинг моҳиятини тушунмасдан, унга кўр-кўро-на тақлид қилишга интилишлар бор.

Театрнинг асоси — мазмун, қўтилмаган шаклларда ифодаланадиган мазмун ва ғоя. Агар театр бу йўлдан четга чиқса, вазифасини бажармаган ҳисобланади ва саҳна асари максадсиз, бир зумгагина таъсир қилувчи "трюк"ка айланади.

Режиссёрлар касбга ўқитилмаган ўқув даргоҳларида дунёда тан олинган ана шу театр услублари чуқур ўргатилиши даркор, албатта. Хулоса шуки, келажак театри турли услубларда, фақат театрнинг асосий, бўзимлас, яъни классик қоида ва қонуниятларидан чекинмаган ҳолда ривожланиши лозим. Ўстайимизки, йўқми, эътибор — эҳтирослар театри. Чунки биз қизиққон, эҳти-росли халқмиз. Лекин шу хусусиятни нотўғри талқин қилиб, эҳтирослар театр услублари ва сирларини тўлиқ билмасдан асар саҳнага олиб чиқилмоқчи бўлишса, жиддий хатога йўл қўйлади. Оқибатда театрларимизда бақир-чақир, дод-фарёд, йиғи-сиғи, бемаъни кулги, кў-пол юмор ва бир хилдаги майиш қилиқлардан иборат спектакллар кўпаяди.

Театрнинг ривожланиш йўли — бу турли, қизиқар-ли, қўтилмаган шакллар асосида туб мазмунни, илғор ғояни теран, ўткир, фақат шу асаргагина мос келадиган эҳтиросли ижро услубига мукамал риоя қилган ҳолда, юксак бадий спектакль яратиш йўли бўлмоғи лозим. Мен бошқа йўлни билмайман.

— Идеалингиздаги театр қандай бўлиши керак, тасвирлаб бера оласизми?

— Идеал театр бўлмайди! Театр идеал бўлмайди! Агар идеал бўлса, театрга ўхшамай қолади. Театр — тирик вужуд, тирик вужуднинг дардлари, оғриқлари, санъатлари, қўтил-ган-қўтилмаган "қилиқ"лари бўлади. Баъзан исомтаси, баъ-зида қон босими кўтарилади ёки тушиб кетади... Идеал эса бир ҳолатда — қолмида қотган, ҳеч нарсга қўшиб ёки олиб ташлаб бўлмайдиган даража.

Кечирасиз, чалғидим. Сиз менинг идеалимни сўраясиз, тўғрими? Мен идеал театрни орзу қилма-

ганман, шу боис менинг тасаввуримда идеал театр шаклланган эмас. Мақсади, маслаги, интилишлари муштарак, ижоддан лаззатланидиган, ижодни саодат, театрни ибодатгоҳ, мўътабар, ҳатто муқаддас билган, ишнинг ростмона устаси, тинимсиз изланишдан чўчи-майдиган, иқтидорли кишилар тўпланган театр идеал театр бўлса керак. Кўрдингизми, мен ҳали театр деган ҳодиса талаб қиладиган сифатларнинг ярмини ҳам санаганим йўқ. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг-чи, амал-да шундай театр бўлиши мумкинми?.. Лекин театрни идеал даражага кўтара оладиган, бутун борлигини унга бағишлаган кишилар бор.

Мен бахтли режиссёрман. Тақдир мени иқтидор-ли, юксак фазилатли устозларга юзлаштирди. Менга актёрлик маҳоратини ўргатган устозим Христопор Ко-жевников, режиссёрлик маҳоратини ўргатган устозим Иосиф Радун мен учун идеал эдилар. Фаолиятим-ни Кўкон театрида бошларканман, мазкур даргоҳда Занжирили Мирзатов, Хожикурбон Назаров, Ҳаётхон Маҳмудов, Фаргона театрида Соли Аҳмедов, Жалол-хон Охунво, Муҳаммадсоли Юсупов, Холмат Икромов, Тошкентга келиб Зикри Муҳаммаджонов, Ёқуб Аҳме-дов, Фарход Аминов, Эркин Комиллов, Яйра Абдуллае-ва ва ана бир қанча миллатимизнинг улғу санъаткорла-ри билан бирга ижод қилиш насиб этди.

Хориждаги театрларда бирга ижод қилганим маҳор-атли ва тажрибали актёрлар ҳақида гапирмай дей-ман-у... Франциялик машҳур актёр Франсуа Шаттонн Самарқанд Регистонида, Улуғбек мадрасаси майдо-нида Мирзо Улғабек ролини ижро қилгани-чи... Уша пайтда мен учун ана шу ижодкорлар — ички интизом, театрга, саҳнага юксак мувабботи ва садоқати билан, ўша театрлар — юксак мазмунни, ижодий салоҳияти билан идеал бўлган.

Ҳозир биз фаолият юритаётган театр биноси ўтган аср бошида қурилган, имкониятлари чекланган. Лекин шу театрда бирга ишлаётганимиз ижодкорлар мен учун идеал. Уларнинг ижодий имкониятлари, театрга, менга бўлган муносабатлари, ижодий ишлари нати-жаси мен учун идеал. Бу театрда саҳналаштирилган драматург Шароф Бошбековнинг "Ер барибир айла-наверади", Абди Хуришд Дўстмуҳаммаднинг "Жинлар базми", Вильям Шекспирнинг "Ромео ва Жульетта" спектакллари бадий даражаси қандай бўлишидан қатъий назар, уларни тайёрлаш палларати, спектакль устида ишлаш жараёнлари, актёрларимизни чидаш қийин бўлган шароитга мулҳоқ парво қилмай ягона максад сари қатъий интилишлари, меҳнатқашқиллари, камтарликлари, маҳоратлари мен учун идеал.

— Ҳар бир туманда ўзига яраша битта театр бўлиши керакми, йўқми? Ахир, ҳар бир туманда футбол командаси бор-ку...

— Ўзига яраша. Майли, "ўзига яраша" бўладиган бўлса, ҳар бир туманда театр ҳам бўлиши мумкин, балки керакдир. Сиз мендан ростмана профессионал театр хусусида сўрамаётган бўлсангиз керак? Лекин муайян ҳудудга яраша, шу жойда тушунарли, шу жой-нинг ҳол-аҳволи, яхшии ёмони тўғрисида томошалар кўрсата биладиган театр бўлса, қани...

Мен Америка Қўшма Штатларининг Вермонт штати-да бир муддат бўлиб, театрлар ҳаёти, спектакл тайёрлаш жараёнлари билан танишдим, нималарнидир ўргандим. Айтганингиздек, уларнинг ҳар бир туманида театр бор ва у ҳар кун томошабинлар билан бағвум. Бу мўъжиза театр шу ҳудудда барчани қизиқтирган долзарб мавзу асосида икки кунда томоша тайёрлайди. Артистлари шу ерлик одамлар, ҳаваскор санъаткорлар. Режиссёрлари-яма маҳаллий, уларчиники. Драматург ҳам. Мабодо зарур бўлиб қолса, катта шаҳарлардан кўп эмас, бир ёки икки

нафар артист, баъзан режиссёр ҳам тақлиф қилинади. Саҳнада намойиш этиладиган воқеа-ҳодисалар — то-мошалар туман ҳаётини акс эттиради, яъни сюжет шу ердаги одамларнинг турмушидан олинган. Шу ҳудуд-нинг муаммолари саҳнада ҳаваскор актёрлар ижросида муҳокама қилинади. Яна бошқа бир туманда кечга яқин томошабинлар театрга йиғилади, актёрлар саҳнага чиқа-ди. Томошабинлардан кимдир ҳаётида рўй берган қизиқ ёки драматик воқеани гапириб беради. Актёрлар озгина тайёргарлик қўриб, шу захоти воқеани саҳнада томоша-бинларга ижро қилиб беради. Актёрларнинг тоқирлиги — импровизацияси туйфали "айнан ҳозир", "айнан шу ерга мос" томоша намойиш этилади. Томошабин буни жудаям юракка яқин, эмоционал қабул қилади. Ҳа, оддий одамлар ўз театрларини шундай яхши кўришадими, ҳеч қандай профессионал театрга алмашимшайди. Бундай театрлар шу ерли одамларнинг ҳаётига сингиб кетган.

Яна

Таниқли режиссёр Қамара Камолова "Ким дейя сени?" номли янги киносаҳнада асл туйғулар ҳақида ҳикоя қилади. Режиссёр бугунги ёшларга қадриятларимизни асраб қолишимиз лозимлигини ўқтириш учун миллий қадриятларимизга садоқатли бувиқон тилидан уларга мурожаат қилади.

Таърибли режиссёрнинг "Ким дейя сени?" деб номланган бу фильми томошабинни давр шиддатидан бироз чекинишга, ҳиссиётлар оғушига чўмишга ундайди. Бир муддат ҳаёт, атрофимиздаги одамлар, бахт тушунчаси, ёлғизлик ҳақида ўйлаб қўришга чорлайди. Бир ярим соатдан ортиқроқ давом этган фильмнинг ҳар бир дақиқаси томошабин диққатини ушлаб туради, уни қаҳрамонларнинг руҳий оламига олиб кириб қиради.

Режиссёр умр йўлининг асосий қисмини босиб ўтган, ортидан келаётган ёш авлоднинг қоқилиб-йиқилмаслиги учун йўл-йўриқ беришга интилаётган кекса авлод вакили билан ёш авлод ўртасидаги нозик муносабатларни таъсирга олган. Маълумки, Қ.Камолова аксарият фильmlарда "йўл" метафорасига мурожаат этади. Бу гал ҳам аънаага содиқ қолган режиссёр "йўл" рамзидан фойдаланган. Фильм киминдир қидириб йўлга чиққан Гавҳар аянинг ташвишлари билан бошланади. Гавҳар ая ўзи каби ёлғиз ит Қўрапарни излайди. Режиссёр айна эпизод орқали умр йўли поёнида қаҳрамоннинг ёлғиз қолганига, ўзига ҳамроҳ қидириб, изтироб чекаётганига ишора қилади.

Сценарий муаллифи ва режиссёр Қ.Камолова фильмдаги ҳар бир эпизодга конфликт ёки коллизия киритган. Бу эса, томошабинда энди нима бўларкин, деган саволларни туғдиради, асарни диққат билан кузатишга мажбур қилади. Фильмда бирор эпизоднинг ортқичалигини сезмайсиз, картина чўзилиб кетаётганини ҳис этсангиз ҳам сўнгги лавҳа, воқеага қизиқиб, кузатишда давом этасиз. Воқеалар ривожланиб, Гавҳар аянинг бахт ҳақидаги тушунчаси Лоланинг қарашлари билан тўқнашар экан, кучли "портлаш" юзага келади. Бу ёғи нима бўлар экан, дея саволлар исканжасида қолган томошабин Лоланинг хатти-ҳаракатларини диққат билан кузатади, Гавҳар аянинг ёлғизликда қийналаётган қалб ҳароратини ҳис этади.

Таниқли актриса Малика Иброҳимова ижросидаги Гавҳар ая образи ҳиссиёт ва қувват бой тарзда талқин этилган. Актриса санъатдан бахтини қидирган ёлғиз аёлнинг рўйхатдаги эврилишларни босиқлик билан кўрсатиб беролган. Гавҳар ая ўзини санъатга фидо қилган, ҳаётида ҳамона нарсасдан — оила, муҳаббат қўйган инсонидан ҳам санъатни устун қўйган аёл тимсоли. Охир-оқибат, санъат уни

ёлғизлик гирдобига тортади. М.Иброҳимова кўпсузликдан қочиб, образ табиатини асосан кўз, юз ифодалари орқали очиб берган. Актриса ижросида бирорта ортқича хатти-ҳаракат ёки суз учрамайди. Аксинча, ўзбек аёлининг иродаси, садоқати ва қадриятларига муҳаббатини намойиш этади. Малика

санъатга меҳри баланд, донишманд эканини кўрсатиб беради.

Дарҳақиқат, томошабин воқеалар давомида Лоланинг кимлигини билмай, кузатишда давом этади. Лола баъзан меҳнатсевар, тиришқоқ қиз сифатида, баъзан ҳаётга енгил қарайдиган айрим ёшлар тимсоли сифатида гавдаланади.

УМР ЙЎЛИ ПОЁНИДА



Камола Расулмуҳаммедова кинодаги дебютини режиссёр Қамара Камолова билан бошлагани унинг уйғури бўлди. Ўзбек киносида биринчи аёл режиссёрлардан бўлган Қ.Камолованинг таърибаси ва маҳорати тўғрисида ёш актрисанинг дебюти зътиборга тушди. Қ.Расулмуҳаммедова Лоланинг кечинималарини самимий кўрсатиб беролган.

Фильмдаги асосий воқеалар Гавҳар ая ва Лола ўртасидаги муносабатлар асосида ривожланади. Гавҳар аянинг ички дунёси ёшлигини хотирлаб ўтмишга қайтиши ва ўша пайтда содир бўлган воқеаларга бугунги кунимиз ҳақида айтилган янги сўз экани, қаҳрамонлари ҳам янгилиги билан қадрли.

АФИША

меҳрини қозонган ва неварасидек яқин бўлиб қолган Лола ҳаётда қоқилмаслиги учун ҳаракат қилади. Унга адабиёт, санъатдан таълим беради, ўқишини, оқу қорани ажратишга ўрганишини истайди. Чунки Гавҳар ая санъатга ёшлигини, кучини фидо қилди. Санъатни деб турмуш ўртоғига, оиласига вақт ажратолмади. Турмуш ўртоғи қаттиқ касал бўлиб, оламдан ўтгач, у фарзандсиз ва муҳаббатсиз ёлғиз қолди. Ёлғизлик азобидан қутилиш учун ўзига ҳамроҳ қидирган ая охири уни топди... Болалар уйида тарбияланган, ота-онасини бир марта ҳам кўрмаган, оила муҳитини ҳис этмаган Лола ҳам Гавҳар аяда оналиқ, бувилик меҳрини туйди.

Қ.Камолова мазкур фильм орқали оқибат, меҳр-муҳаббат каби инсоний қишлоқларнинг ҳаммаша зарурлигига ишора қилади. Аёлларнинг ожизалигидан фойдаланувчи Раҳимга ўхшаш айрим номдорларнинг қасофати тўғрисида ҳаётимизда учраётган ноҳушликларни кўрсатади. Фильмда бугун ёш-атрофимизда содир бўлаётган воқеалар сараланиб, сюжетлар асосида экранлаштирилган. Умуман, ушбу фильм бугунги кунимиз ҳақида айтилган янги сўз экани, қаҳрамонлари ҳам янгилиги билан қадрли.

Омина АЗИЗОВА,
ЎзФА Санъатшунослик
институтини докторанти

ПАЙВАНД СЎЗ

режиссёр Олимжон САЛИМОВ билан сўхбат

сак чаласан?" дегандай энсаси қотиб қарайдиганлариям бор. Томошабинлар, албатта, ҳар хил. Лекин мақсад бир — томоша кўриш.

Театрнинг, яхши театрнинг мақсади, инчунин менинг — режиссёрнинг, мақсади, мен билан ижод қилаётган актёрларнинг, барчамизнинг мақсади, биз ягона — театрга келган ҳар хил савиядаги, ҳар хил билим, дунёқараш, ҳаётга, жамиятга, маданият ва санъатга муносабатли ҳар хил бўлган одамлар, яъни томошабинларнинг бир хил таъсирланиб, бир хил ўзгариб театр-дан чиқиб кетишларига эришиш.

— Сиз ролларга актёрларни танлашда нима-ларга асосланасиз?

— Актёрларни иктидорларига кўра танлайман. Актёрнинг иктидоридан бўлак сифатлари: қадди-баси, чиройи, овози, ҳатто ўта тартиб-интизомлилиги ҳам иккинчи ва учинчи даражали кўрсаткичлар. Аввало, иктидор. Актёрга ато этилган ва актёр уни англаб, асраб-авайлаб, бойитиб ўзининг энг муҳим "қуроли"га айлантирган **иктидор**.

Ролларни тўғри тақсимлаш — ўта нозик вазифа. Бу бўлажак спектаклнинг ярим ёки ундан-да кўпроқ муваффақияти. Актёрларнинг бир хил роль ижро қилавериш, бир қолипга тушиб қолишлари ва ундан чиқиш учун бир умр имкон тополмай, шу алфозда ижодий умрларини ўтказишлари... айна режиссёрнинг актёрни доим бир хил ролга тайинлагани натижаси ва бу актёр учун ҳалокати. Ҳар бир актёрда ҳали кашф этилмаган, ўзим билмаган, ишлатилмаган имкониятлар мавжуд. Актёрларни ролларга, ролларни актёрларга тақсимлашда ана шу принципа роя қилишга ҳаракат қиламан.

— Нима деб ўйлайсиз, бугунги театр учун аънаа муҳими, янгиликми?

— Аввало, театр учун аънаа нима, янгилик нима, улар театрга нима беради, шунинг аниқлаб олиш даркор. Уларни муқобил, эди кўриш тўғрисида.

Театрда аънаа нима ўзи? Бу — театрнинг ички иш тартиби, ҳолати... Шу театр пайдо бўлганидан бери шаклланган ва бугунги кунда ҳам шаклланишда давом этаётган ҳар хил даража ва савиядаги санъаткорларнинг шу санъатга бўлган муносабатлари. Одатга айланган ҳолатлар, мезонлар, алоқалар ва муносабатлар... Аънаани санъатга қўйиб бўлмайди, бу театрни бир жойда депсинишга олиб келади. Театр эса жонли, тирик санъатлар йиғиндиси. Агар йиллар мобайнида аънаавий ижро услубига роя қилиб келаётган бўлса, уни бузгиси келмаса, демак, бундай театр амалда ривожланишдан, янгиликларни вужудига сингдиришдан воз кечган бўлади. У аънаагагина роя қилади, аммо янгиликни қабул қилолмайди. Яъни қолипга тушиб қолади.

Менинг уйимда бир вақтлар пластинкага ёзилган "Отелло" спектакли бор. Унда Абдор Ҳидоятро роль ижро этган. Ўша пайтларда дунёда Шекспир асарлари "сўзларни ифодали, бўрттириб ўқиш" қоидаси асосида сахналаштирилган. Бу спектакль ҳам шу аънаадан мустасно эмас. Ҳидоятро Отелло сўзларини дон-дона, бўрттириб, узоқ чўзиб айтади. Спектакль сахналаштирилган даврда бу томошабинлар учун қизиқ, мутахассислар учун янгилик бўлиб қўрилган. Агар ҳозир сахнада шу аънаа асосида спектакль қўйилса, томошабин икки дақиқадан кейин залдан чиқиб кетади.

Театр учун янгилик нима? Янгилик театринг яшаш қонуни, томиридаги қони. Тирик эканининг исботи. Театр ҳаммаша янгилик изловчи, таърибалар ўтказувчи, ихтиро қилувчи организм. У яшаш яшаш учун доим янгиликларни топиши, уни жамияга сингдириши, керак бўлса, илгари ҳукмронлик қилган аънаалардан воз

кечиши лозим. Бу театр йиллар давомида орттирган аънааларини қўйиб ташлаш керак дегани эмас, албатта. Театр учун излаш-изланиш, янгилик қидириш ва уни топиш, ўзлаштириш, ундан самарали ва унумли фойдаланиш гўяда муҳим.

— Сиз ўзингиз доим янгиликка интиласизми?

— Янгилик... Албатта, янгиликка интиламан. Бизиз ҳаётни тасаввур қилиш қийин. Усиз ҳеч бир соҳа яшай олмайдми. Мен эсам, инчунин, касбим ҳар қадамда, тинмай шунинг талаб қилади. Лекин... лекин, афсуслар бўлсинки, мазкур талабни ҳар доим ҳам бажара олмаيمان. Қийналанаман, ўйланаман, изтироб чекаман, қилган ишларимнинг натижаси худди кечагидекадек туюлаверади. Бугун сахналаштирган спектаклим қай жиҳатлари билан кечагисидан ёки анча илгаригисидан фарқланади, янгилиги нимада, баъзида илғаб ололмайман. Мен айнан муайян асарга муносабатим янгиликми, янгиликка ёндошдимми, мен мавзуга бугунги кун нуктаи назаридан қарай олганманми, шу асар билан нима демоқчиман, деб ўйга толаман. Ахтараман...

— Тўрт аср аввал узоқ Англияда ёзилган улуг Шекспирнинг "Ромео ва Жульетта"си билан ўзбек режиссёри Олимжон Салимов XXI асрда — бугун нима демоқчи бўлди?

— "Ромео ва Жульетта" асрлар давомида жаҳон театр сахналаридан тўшмай келаётган асар. Бугун мен уни сахналаштирдим. Бунинг нимаси янгилик ёки де-гулик? Актёрларга замонавий қийимлар кийгизмадим, кўйларига қилч ўрнига автомат ёки тўпқона тутқазмадим. Ҳўш, нимаси янгилик? Борми ўзи бу спектаклда янгилик? Кўрдингизми спектаклни? Кўрган бўлсангиз, янгиликни илгидингизми?

— Саволингизга дабурустан жавоб беришим қийин...

— Театр спектаклидаги янгиликни деворга осиб қўйиб кўрсатиб бўлмайди. Уни обдон кузатиш орқали, қалбда пайдо бўлган туйғу, сезги ёрдамида қўриш, пайқаш, англаш мумкин. Шу боисдан ҳам мен, театр ҳаммага баробар таъсир ўткази олмайдми, фақат спектаклни "ўқий олган" кишигагина тўлақонли таъсир ўткази, дейман. Бу гап ҳаммагайм ёқавермайди, биланман. Лекин ҳақиқат шу.

Ҳали-қу сиз... "Ромео ва Жульетта"ни кўрган анча-мунча кўзи пишиган тахилчилик ва танқидчи мутахассисларимиз ҳам мендан: "Нега спектаклда қизил ранг кўп, персонажларингизни доим қизил ранг — қон таъки қилади? Йўлға қонга бунча уруғ бергансиз?" деб сўраганлари йўқ. Демак, уруғларни тўғри, таъсирчан, сезиларли, қўринарли даражада қўя олмабман, деган хулосага келаман. Лекин, келинг, диққат билан қўринг, "ўқинг", мен: "қон тўқилиши одатий ҳол бўлган жойда, одам одамнинг қушандаси бўлган муҳитда юксак севги яшай олмайдми, у, албатта, ҳалок бўлади", деб таъкидламоқчи эдим. Шу гоёни бутун бир спектаклда сингдирилган янгилик, Шекспирнинг сўзига пайванд қилинган ўзимнинг сўзим, деб биламан. Балки мўлжал — мақсадимни, ўйлаганларимни кўнгилимдаги даражада кўрсатиб беролмаганимдир! Ким билсин, аниқ айтиш қийин. Аниги шуки, янгиликка интилишсиз менинг ишим керакли натижани бермайди. Бергандаям, алал-оқибатда, у кераксиз натижа бўлиб қолди.

— Бугунги кунда илғор дея эътироф этилаётган Габр театри санъатига қандай баҳо берасиз?

— Бугунги Габр театри — жуда галати дунё. У шунчалар олачипор, чалқаш, англаш мураккаб даражадаки, бир хил муносабат билдириш жуда мушкул ва бунинг иложиям йўқ. Уни мақташ, танқид қилиш ҳам қийин, ҳам осон. Мен саволингизга қандай жавоб беришга тиришмай, объектив бўлолмайман. Худога шукр, шу касбим

тўғрисида дунё кездим, Европадаги бир-бирига ўхшамас, ҳатто бир-бирини инкор этувчи халқаро театр фестивалларида қатнашдим. У ерда кўрганларим гоҳ ғазабимни кўзатган, гоҳ ҳайратга солган.

Қайси бирини айтмай? Ғазабимни келтиргани, бир вақтлар Париж театрларидан бирида "Хелло, Калькутта, хелло, Париж!" деб номланган спектаклни тик туриб кўрганман. Деворга сунйиб турганман, жойидан қимирламасин, деб белимдан деворга боғлаб қўйишган. Спектаклда ўн икки нафар оқ танли "гузал қизлар" бир қора танли йигитни таъқиб қилади ва охир-оқибат уни дорга осиб ҳалок этишади. Гап шундаки, ҳалиги ўн икки гузал сахнада оналаридан қандай тўғилган бўлиши, шу алфозда ҳаракат қилишади. Сахнада фақат қон сачрайди, гузал қизларнинг баданлари қил-қизил қонга беланади... Кўнглим айниганидан додлаганман, қўйиб юборишган. Театр ходимлари мендан анча ранжигани эсимда.

Ҳайратга солгани эса, ўша фестивалда Париждаги бошқа театрда Шекспирнинг "Гамлет"ни кўрганми. Мени актёрлар ижроси эмас, сахнада рўй бераётган технологик мўъжизалар ҳайратга солган. Спектакль соҳна ўртасидан қоқ иккига бўлиниб, ер остидан ота маҳкам боғланган Гамлетнинг отасининг арвоҳи чиқиб келишидан бошланади. От қаерга оёқ қўямасин, шу жой пастга чўкиб кетаяди-ю, от йиқилгудай бўлиб тирмашиб ўрнидан туради, ана қоқилиб тиззасига йиқилади — чўккалайди, яна туради, яна йиқилади... Гамлет отасининг арвоҳи билан ана шу тарзда гаплашади. Актёрларнинг диалоги эмас, от бечоранинг қийнаганини сизга қаттиқ таъсир ўтказида. Ёки бошқа кўриниш: Офелия Гамлет билан учрашганида сахнани ўртаси чўкиб чўқурлик пайдо бўлади-ю, кўз ўнгингизда унга сув тўлади. Офелия шу сувга чўкиб ҳалок бўлади. Гамлет уни сувдан кўтариб олиб чиққан заҳоти сув бир пасда қўйиб бўлади, қул-қуруқ сахнага айланади. Бундай қўзни ҳамаштириладиган ноғояний ўзгаришлар спектаклда талайгина. Сиз Шекспир ёзган фожиани эмас, сахнада юз бераётган ақлга симғайдиган ғаройиботларни кўрасиз. Нью-Йоркда Бродвей қўчасида жойлашган театрлардаги спектакллар ҳам мазмун ва маҳиятга эмас, аввало юксак замонавий технология асосига қўрилган. Бундай театрлардаги спектакллар сахналаштирилганидан кейин йигирма-ўттиз йил мобайнида тўхтовсиз намойиш этилади.

Габр адабиётида юксак бадиий асарлар кўп. Афсуски, катта адабиёт-бадиий бўлишга эга бўла туриб, у ердаги театрларда мумтоз адибларнинг пьесалари дەرгли сахналаштирилмайди.

— Ён-атрофини кузатиб, яхшилик ёки ёмонлик, эзгулик ёки ёвузлик каби азалий тушунча ва қадриятлар ўзгариб бораётганига ғувоҳ бўламиз. Бу — маънавият, маданиятнинг янги-ланишими ёки емирилишими, нима деб ўйлайсиз? Яқин ва узоқ келажакка юзланиб, бу ҳолга қандай баҳо бериш мумкин, маънавият кутблари энди ўзгарадими?

— Инсоният кейинги юз йил давомида мутлақо бесаранжом яшади. Асрлар давомида ўзи тўплаган инсоний фазилатларини, Яратган томонидан инсон зиммасига юклаган асл вазифаларини аста-секин унутиб, йўқотиб, уларни назар-писанд қилмасдан, баъзида мутлақо оёқ ости қилиб топтаб, фақат бир мақсад — ўзлаштириш, қолиб олиб қайтариб бермаслик, бойиш ва талаш йўлидан борди.

Ҳиндистонлик файласуф Ошонинг таъкидлашча: "Одамзод адашиб қолди. Ҳозирга қадар биз бир ўлчамли ҳаёт билан яшаб келдик ва бундай ҳаёт кечирishi имкониятларини тутади. Энди одамзодга янги, бир мунча бой, уч ўлчамли ҳаёт керак. Биринчи ўлчам — ақл-идрок, иккинчиси — ҳамдардлик ва учинчиси — яратувчанлик, ижод. Инсоният энди мана шу уч асосий ҳақиқат бирлигига ривожланоми керак".

Файласуф айтмоқчи, одамзод фақат инстинкт билан, фақат истеъмолчи бўлиб яшаб Ер сайраси имкониятларини битириб бўлмайди. Унинг ҳаёти фақат ақл-идрокка, ҳамдардликка, яратувчанликка асосланган

бўлмоғи керак. Ҳамдардлик нима? Бу бир-бирининг дарадига шерик бўлмоқ, дардни биргаликда тортмоқ, бир-бирига хайрихоҳ, кези келганда малҳам бўлмоқ. Бир-бирини кутармоқ, борини баҳам қўрмоқ...

— Инсонини инсон айлаган, лекин бугунги кунда дунёда ниҳоятда камёб бўлган олижаноб...

— Одамзодга танишим шу олий фазилатлар? Дунёнинг, бани башарнинг захирасида қанча шу каби ҳаёт-бахш сифатлар қолган? Коронавирус деган вабо шунинг аниқлаш учун келмадиммикин? Нима кўп ҳозирги дунёда: ҳамдардлик, борини баҳам қўриш, кўмаклашиш, қўлаб-қувватлашми ёки бир-биридан юлиш, бир-бирининг ерини, мулкни тортиб олиш, бир-бирини ўлдирish, қириш ҳолатлари кўпми? Бундай сўз билан айтганда, Инсоннинг фазилати кўпми, иллатими?..

Одам одамдан, қўшни қўшидан кўради. Асрлар мобайнида чегара билмай яшаган одамлар энди ер таллашиб бир-бирини оятпти.

Қайсидир мамлакат қўшнисидан қўрқиб, қўшним бостириб келиб қолса, "Ўзимни ҳимоя қиламан" деб, халқининг уст-бошидан қўлиб, қорондан қўйиб бўлсам қурол-яроқ сотиб олади. Айрим катта давлатларни-ку, гапирмасам бўлади. Улар Ер шарини култепага айлантиришга етadиган даражада қурол-яроқ тўплашган, ҳалиям тўллаб ётибди. Уларнинг бир-бирига муносабати-чи... Одамзод ҳозирда ҳар қуни эрталаб ўзини кулга айлантириши мумкин уруш бошланиб қилишдан чўчиб ўлғонади.

Нафрат кўп, адоват кўп.

Сиз мендан, бу маънавиятнинг янгилишими, деб сўрасангиз. Йўқ, бу маънавиятнинг инкор қилиниши, маънавиятнинг емирилиши, деган бўлардим.

— Болалиқдаги орзуларингиз... Уларга эришдингизми?

— Йўқ, эришолмаганман. Ўзи, менинг ёшимдаги одамларнинг болалигида катта мақсадлари, болалик орзулари бўлганми? Агар бўлган бўлса, улар эришиш мумкин бўлган орзулар эдимми? Аниқ гап айтиш қийин. Мен урушдан кейинги йилларда, катта оилада туғилганман. Оилада ҳамма бирдай тиришиб меҳнат қилмасак, салгина ўйинқароқлик қилиб бепарво бўлсак, қорнимиз тўймай қолади. Менинг болалигим қаттиқ меҳнат билан ўтган. Ширин орзуларга берилган болалик чопларини, рости, аниқ эслолмайман. Кўпчилик тенгдошларим қатори мен ҳам жуда эрта улғайганман. Ўн уч, ўн тўрт ёшимдан ўзимни элпашга, таъминлашга мажбур бўлганман. Тоғамдан лойсувоқ қилишни ўрганганман. Мактабда ёзи таътил бошлаганида бир-икки дўстларим билан "меҳнат бригадаси" тузиб, белга андаванга боғлаб, "ҳайё-ҳуй!" деб уйдан чиқиб кетардик. Ёз бўйи юрт кезиб, эл кезиб, анча-мунча маблаг қашлаб қайтардик. Янги ўқув йилга кийим-кечак, кимча-дафтар олинарди, уй-ўрғоргайм бироз ҳиссам қўшиларди. О-о, ўшандай кезларда оиламизга, отамга, онамга нафим теккани учун дунёда мендан бахтиёр одам бўлганман.

Ягона орзум рассом бўлиш эди. Мен устоз кўрмаган "самоуочка" эдим. Мактабда анча "машхур рассом"га айлангандим, мактабдаги кўргазмали плакатларми, физика, математика хонасидagi букос олимларнинг портретларим... тинмай чизардим. Эвазига ҳамма фанлардан менга яхши баҳо қўйиларди. Ҳамма менинг рассом бўлишимга ишонарди, ҳаммага қўшилиб ўзим ҳам ишонганман-да...

Бекорга ишонган эканман. Мактабни битириб Тошкент театр ва рассомчилик институтига бордим. У ерда мен — ёш йигитни ҳаётимдаги биринчи омадсизлик кўти олди. Мен чизган суратлар билан институтга кирмоқчи бўлган тенгдошларимнинг суратлари орасидаги фарқ ер билан осмонча эди. Улар устоз кўрган, устозлар қўлида йиллаб таҳсил олишган. Мен-чи?... Менинг устозим даба, дала меҳнати бўлган. Барибир "йиқилдим" деб бош эгиб қишлоққа қайтиб бориш мен учун ўлим билан баробар эди гўё... Ҳужжат топширган эдим, қарангми, институтнинг театр бўлимига ўқишга кириб кетдим. Мана, натижасини кўриб турибсиз. Рассом бўлиш орзумга етолмаган бўлсам-да, ҳозирги касбим,

САҲНА АСАРЛАРИ ЕТАРЛИМИ?

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида уюшманинг драматургия кенгаши фаолиятига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишнинг кенгаши раиси, таниқли адабиётшунос Шухрат Ризаев олиб борди.

Таъкидланганидек, ижодкорларнинг драматургия соҳасида самарали изланиш олиб бориши учун мамлакатимизда етарлича шароит ва имкониятлар яратилган. Кенгаш аъзолари ўтган йил давомида муаллифлар тарафидан тақдим этилган пьесаларни ўқиб, тақризлар тақдим этди. Ёш драматургларга қўлғемалари юзасидан тегишли маслаҳат ва йўл-йўриқлар берилди. Таниқли драматурглар Жўра Маҳмуднинг болалар учун мўлжалланган "Мўъжизалар олами" пьесалар ва Қилич Абдунабиевнинг драматик асарлари тўплами муҳокамадан ўтказилиб, нашрга тавсия этилди.

Кенгаш аъзолари ва мутахассислар Зомин семинарида драматургия йўналишида иштирок этган ёшларнинг қўлғемалари билан танишиб, ижодий сўхбат ва маҳорат дарслари ўтказишди.

— Бугунги ижтимоий муаммоларни очиб берадиган сахна, экран асарларининг тақчиллиги яққол кўзга ташланмоқда, — деди ЎзФА Санъатшунослик институтини илмий ходими, докторант Шохруҳ Абдурашулов. — Драматик асарлар танловининг эълон қилиниши яхши асарларни саралаш имконини беради. Маданият вазирлиги билан Ёзувчилар уюшмаси ўртасидаги ҳамкорлиқни қучайтириш зарур. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси "Ижод" фонди томонидан "Ўзбек драматургияси уфқлари" тўплами нашр этилди. Унда устоз драматурглар билан бирга ёшлар ижодига ҳам кенг ўрин берилди.

Телевидение, театр, кино йўналишлари бўйича мутахассисларнинг маърузалари тингланди. Ҳисобот йиғилиши якунида Драматургия кенгашининг 2022 йилги фаолиятига оид режалар муҳокама қилинди. Кун тартибда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА

фаолиятим мусаввир қалбини сақлаб қолишимга имкон берди. Мен ўзимнинг энг яхши картиналаримни қоғозда эмас, сахнада чизаман...

— Неге Ер юзининг айрим жойларида доим меҳнат кўп, натижа кам бўлиб келган? Айрим жойларда бунинг тескариси...

— Мени назаримда, бу Курраи Заминда яшаётган одамларнинг яшаш тарзи, шароити, борлиққа бўлган муносабатларидан келиб чиқади.

Мен шу ўринда ҳиндистонлик файласуф Ошонинг "Сир" китобидан бир парча ўқиб бермоқчиман (стол устида турган кўркам муқовали китоблар орасидан "Жаҳон адабиёти", "Жуддвали", "Одади"). У минг йиллардан бери камбағаллик, қашшоқлик билан курашиб келаётган ўз халқига шундай мурожаат қилади: "Камбағаллиги учун камбағалнинг ўзи айбдор. Сиз камбағалмисиз, ўзингиз айбдорсиз. Асрлар давомида ўзингизни аҳоқона туттасиз, энди нафақат бу аҳоқлигингизни давом эттириб келяпсиз, балки бу билан фахрланарсиз ҳам.

Агар сиз ҳаётини чиндан севмас эк

